

Дилшода ЭРГАШЕВА

МАЪНАВИЙ ЮКСАМИШ АСОСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ўзбек халқининг Марказий Осиёга таъсири қадим Византиянинг Европага таъсирига қиёслаган эди. Улуғ арбоб бу гапни беҳуда айтмаган. У халқимиз даҳосини асрлар, минг йилликлар силсила-сида намён этиб келаятган миллий адабиётимиз, санъатимиз, умуман мадания-тимиз тимсолида баҳралаганимиз шубҳа йўқ. Мақом – миллатимизнинг ана шундай тимсолларидан биридир. Санъатимизнинг гултоғи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий мероси сифатида эътироф этилиб, Репрезен-татив рўйхатига киритилгани бежиз эмас.

Мақом санъатимиз азалдан инсонларни эстетик тарбияловчи воситалардан бири бўлиб келган. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эса уни янада теранроқ ўрганиш, тарғиб қилишдек улуғвор ишларда дастуриламал вази-фасини ўтайди. Энди асли сохтадан, ҳақиқийни нусхадан ажратиш вақти келди.

Шу маънода, мазкур қарор миллий маданиятимиз арконларининг асослари-дан бири ҳисобланган мақом санъати истиқболи борасидаги тарихий ҳужжат-лардан бўлиб қолиши, шубҳасиз. Унда миллий мақом санъатини ривожланти-ришнинг маънавий-ахлоқий камолотда тутган ўрни, қадимий маънавий-мада-ний қадриятлари ва миллий анъаналарни қайта тиклаш ҳамда бойитиш, шунинг-дек, бозор муносабатлари шароитида мумтоз санъатимиз тараққиётини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш сингари масалалар қамраб олингани соҳа истиқ-болда муҳим аҳамият касб этади. 2018 йилдан бошлаб Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш, Оқсарой майдонининг тарихий қисмида мақом санъатида бағишланган музей ва миллий созлар лабораториясини ташкил этиш каби мақсад ва истаклар замирида Ва-тан, миллат, халқнинг орзу-умидлари, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлиги, қолаверса, буюк меросимизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром мужассам. Мазкур халқаро микёсдаги йирик анжуманнинг дастлабкиси шу йил 6-10 сен-тябрь кунлари Шахрисабзда бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги мақсад ва вазифалар жуда ҳам улкан. Кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида маънавий бўшлиққа ёки кўнгалга келган ишларни қилаверишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Прези-дент зиёлилар билан бўлган учрашувда Мудофаа вазирини Маданият вазирининг вазифаларини қиёслаб ўтгани бежиз эмас, албатта. Бундан ҳулоса шуки, давлат мудофаасиз мустаҳкам бўла олмаганидек, жамиятнинг асосий негизи ҳисоб-ланган маданият ва санъатсиз ҳам маънавий юксалишга эриша олмади. Ўтган давр мобайнида Маданият вазирлиги Президент томонидан қўйилаётган вазифа-лар ижросини таъминлаш борасида қўллаб-қўллай ишларни амалга оширмоқда.

Халқимизга манзур бўладиган ишлардан бири халқ оғзаси ижодиётининг қадимий анъаналарини тиклаш ва миллий қадриятларини изчил ривожлантириш, бах-шилар ва дostonчилар ижодининг энг яхши намуналарини тарғиб қилиш, улар-нинг ижодини мукаммал ўрганиш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар ижодининг ўзбек маданияти ва санъатидаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, шунинг-дек, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, устоз бахшилар ва дostonчилар, соҳа олим-лари ва мутахассислари, иқтидорли ёш бахшиларни моддий ва маънавий жиҳат-дан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилин-ган “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарордир. Фольклор санъати ижод-корлари ўртасида иқидий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўзбек фольклор санъатини янада тараққий эттириш, халқ ижодиёти анъаналарини жаҳонга тараннум қилиш мақсадида 2019 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида “Буюк ипак йўли” ҳамда 2018 йилдан бошлаб Навоий вилояти-нинг Нурота туманида “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивалларини ўтқа-зиш тўғрисидаги қарорлар халқ ҳаваскорлик санъатида бўлган юқсак эътибор, ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси. Шу йил 30-31 май кунлари ўтказилган “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивали хайрли ишларнинг бошланиши бўлди.

Фестивалнинг “Нурли наволар” деб номланиши бежиз эмас, албатта. Аслини олганда Ўзбекистонимизнинг келажаги нурли, мамлакат, юрт раҳаматсининг ғояла-ри нурли, қолаверса, бугунги ҳаётимиз нурли, эртанги кунимиз – истиқболимиз нурли. Ҳатто қалбларимизнинг ҳам нурли орзу-мақсадларга тўғналиги халқимиз-нинг нурли чехраларида акс этиб турибди. Ана шу нурафшонлик ва нурли кела-жак куй-қўшиқларимизга кўчяпти. Фестивалга бағишлаб ёзилган (Нуриддин Амин-жонов ва Азиз Турдиев сўзи, Фарҳод Абдуллаев мусикаси) Яёв ва Мўҳсин Мўми-нов ижросидаги “Нурли диёр навоси нурли” байрам таронаси тадбирнинг асл моҳиятини очинишда катта аҳамият касб этди. Фестивалда Қозғонистон, Тожикистон ва Афғонистон Республикаларидан ташриф буюрган санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар ушбу анжуманининг нуфузини янада оширди.

Анъаналар билан “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивали каби халқ ижодиётининг нодир дурдоналарини ўзида мужассам этакдаган бундай фестивал-лар ҳам келажақда ўзбек халқининг қадимий санъати билан дунё халқлари фольк-лор қўшиқларини боғлаб турувчи улкан маънавий кўприкка айланишига ишончи-миз қомил.

Президентимиз 2017 йил 25 декабрь куни маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъ-минлашга бағишлаб ўтказган йиғилишда: “**Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиз-дан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тарақ-қий этмаса, жамият ривожланмайди**”, деган эди. Шу маънода, маданият – халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Ҳулоса шуки, халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, демек, ҳаммамизнинг биринчи галдаги вазифамиз, аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш йўлида бор қуч-ғайратимизни сафарбар этишдан иборат.

Азамат ХАЙДАРОВ,

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш
илмий-методик маркази директори, профессор

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишини ўқиб, шу мавзуга оид бир тарихий сурат ва сурат билан боғлиқ ҳужжат кўз олдимга келди. Суратда иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи жангларида иштирок этган 1-Белоруссия fronti 48 251 – А ҳарбий қисм жангчилари сиймоси мангута муҳрланган.

ДАҲШАТЛИ ТУН

Ёзув столи устида бир таҳлам оқ қоғозу олти ки-шининг қулиб турган чехралари акс этган сурат. Унинг орқа томонида: «26/IV. 43. Орлов область, ст. Рождество» деб ёзиб қўйилган. Бошқа ҳеч қан-дай ёзув йўқ. Суратдагиларнинг ўнгдан биринчиси менинг отам. Қолганлари эса сафдошлари. Улар-дан икки кишини онам яхши танидилар. Чап томон-даги сочи жингалак, қулиб турган қиз Зифо Шам-суддинова, унинг ёнидагиси эса Умрзоқов деган киши экан. Зифо жуда ёш бўлишига қарамай, фронтга қўнғиллилар сафида кетган. (Уни хизмат-дошлари Зебо деб қақаришган. «Қизил Армия» фронт газетаси таҳририятда матн кўчирувчи-ко-тиба бўлиб ишлаган. (Ушбу суратни кўрган ёзувчи Тоҳир Малик биринчи қатордаги офицер ёзувчи Мирзакалон Исмоилий – тоғаси эканини айтган — муаллиф).



Суратга тикилиб, хаёл сураман... Ҳеч нарса кўнғил-га синмайди. Уша машъум даҳшатли тунда улардан қайси бирининг гўлдек умри ҳазон бўлди экан?!

...Отам вафот этганларида еттинчи синфда ўқи-рдим. Иккинчи жаҳон урушининг оловли кунлари ҳақидаги ҳикояларидан баъзиларини тингланман, холос. Лекин мен ёзаётган ушбу воқеани онам ба-тафсилроқ қулиб сўзлаб берган эдилар.

...Отам хизмат қилган 1-Белоруссия fronti их-тиёридаги «Қизил Армия» газетаси редакцияси ўрмон ичкарисида беш-олти вагонга жойлашган бўлиб, олдинги вагонлар иш жойи ва босмаҳона, охириги икки вагон ётоқхона ҳамда ошхона вази-фасини ўтаган экан.

Қирқ учинчи йилнинг ўн олтинчи октябри. Тун. Қоп-қоронғу ўрмон. Катта сержант Солиҳ Абдукаримов (менинг падари бузрукворим) уч қўнлик кетма-кет навбатчиликдан бўшаб, олдинги вагонда ишлаб ўтирган шу газетанинг муҳаррири Жалолхон Азиз-хонов олдиға кириб: “Вақт алламаҳал бўлиб қолди, дам олсангиз бўларди, ўртоқ командир, — дейди”.

— Сиз бораверинг, мен бир оз ишлаб, сўнг ёта-ман, — деган жавобни олгач, отам ортиға қайтади. Воқеа нийоятда ҳаяжонли кечгани онамнинг ово-зидан билиниб туради.

...Вагонларнинг ҳар икки томонида навбатчи со-қчилар. Кундузги ғала-ғовурдан чарчаган, ҳаёт-ма-мот кураши бораётган олдинги жабҳадан хориб-толиб қайтган жангчи мухбирлар, таҳририятнинг бошқа ходимлари дам олишмоқда. Охириги вагон-дан патефон овози эшитилади...

Бир пайт даврон самолётининг чинқироқ товуши қулоқларни батанг қилади. Ҳаммаёқ бир зум ёп-ёруғ бўлиб, кўзларни қамаштиради. Даҳшатли портлаш-дан замин ларзага келади. Одамлар ўзларини ва-гонлардан ташқарига отади. Олдинги икки вагонни аланга чуллаган. Соғ одамлар ўзларини ўт ичига уриб,

жумладан, Азизхонов ҳам қаттиқ ярадор бўлган. У дам ҳушини йўқотар, дам ўзига келиб «Зебо, Зебо қани», деб алаҳларди.

Аскарлар ярадорларни “санчас”га жўнатиб, ҳалок бўлганларни дафн этишга киришадилар. Ўн саккиз жангчи ҳамда эндигона ўн тўққиз баҳорни қаршилаган, ҳали ўн гулидан бир гули ғунча очма-ган Зифонинг умри шу ерда нийҳоя топади. (Ҳозир Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги катта кўча-лардан бири Зифо Шамсуддинова номи билан ата-лади — муаллиф).

Отамнинг: «Қабр тепасида икки калима Қуръон тиловат қилиб, шаҳидларнинг руҳларига бахшида этдим», деган гаплари сал-пал эсимда... Бомба туш-ганида вагонларнинг икки томонидаги соқчилар-дан бири ҳалок бўлиб, иккинчиси соппа-соғ қол-ган. Бунчи қарангки, кечаси навбатчиликни топшир-ган отамни Яратганнинг ўзи сақлабди. Шу ўринда раҳматли бувимдан эшитганларимни ҳам тилға ол-моқчиман.

— Тошкентни ўрислар олганида (1865 йил 15 – 17 июнь — муаллиф) «Ёв босди, ёв босди» деб ҳамма қўрқиб яширинишга тушибди, — деб ҳикоя қилган эдилар бувим. — Одамлар қўлиға илинган нарсани олиб, шаҳардан чиқиб кетишга шошилган экан. «Эй Парвардигор, сенга омонат» деб онамни — уч ой-лик чақалоқни болохонада териб қўйилган чалма-лар устиға ётқизиб кетишибди. Уч кундан кейин «Омон, омон» бўлгач, уйға қайтиб келиб қўриша-ки, чақалоқ «инга-ингалаб» охириги нафасини олиб ётган экан. «Ураман деса чора йўқ, асрайман деса бало йўқ», деб ана шунга айтилади болам.

Таниқли журналист-ёзувчи раҳматли Ҳабиб Нуъ-мон ва онам шу чақалоқнинг неваралари бўлиш-ган. Отам 1942 йил 23 июлда — «Қизил Ўзбекис-тон» газетаси редакциясида ишлаб турган вақтида Қизил Армия сафига қақрилган. Турли қорғозлар-

ни варақлар эканман, кўзим ушбу ҳужжатга тушди. Унда шундай сўзлар ёзилган:

«1-Белоруссия fronti. «Қизил Армия» газетаси редакцияси. 22. IX. 1945. № 0163

1-Белоруссия fronti 48251 — А ҳарбий қисми командири Н. Потапов

Маълумотнома

Қизил аскар Абдукаримовга берилди шу ҳақда-ким, у 1942 йил сентябрь ойдан 1945 йил 21 сен-тябрьга қадар 1-Белоруссия фронтининг 48 251 – А ҳарбий қисмида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтади. У «Берлини олганлик учун» медали билан муко-фотланишга ҳақли».

«Қизил Армия» газетаси таҳририяти ходими, катта сержант Солиҳ Абдукаримов жанговар қалам-каш дўстлари Жалолхон Азизхонов, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Илёс Муслим билан бирга-ликда фашизмни ўз уясида тор-мор этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Қўмондонлик топшириқлари-ни муваффақиятли бажаргани учун бир неча бор мукофотларга сазовор бўлди. «Сталинград мудо-фааси учун», «Варшавани озод қилганлик учун», «Жанговар хизматлари учун», «Берлини олганлик учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнати учун» жан-говар медаллари билан мукофотланди. 1945 йил июль ойида — Потсдам конференцияси ўтаётган кун-ларда ўша шаҳарчада эди.

Отам 1945 йил октябр ойида Қизил Армия сафидан қайтган, Ўзбекистон Адабиёт ва наشريёт ишлари бош бoshқармасида ўн йил меҳнат фаоли-ятини давом эттирди. Бу даргоҳда умрлари охири-ға қадар самарали ишлади.

Афсуски, фронтдан ёзган хатлари сақланиб қо-лмаган. Балки, урушдан кейинги йилларида (баҳорда далаға кўчиш, кузда шаҳарға қайтиш сингари «кўчди-кўчдилар»да) йўқолиб кетгандир. Лекин, аминманки, мактублар она юрт, оила соғинчи, фар-зандлар ва ота-она меҳри билан йўғрилган. Мана, отамнинг мактубларидан бирида битилган, онам-нинг хотирасида қолган шеърый мисралар:

Оҳим, қилди уруш шаҳриёримдан жуло,
Оху кўз, қошлар қаро нозик ниҳолимдан жуло.
Сўзи шакар, ўзи дилбар Суръатим, Санъатларим,
Ғайратим, Талъатларим, жондан азизимдан жуло.

Кўзи дардлиг, ўзи ғамлиг меҳрибон онам менинг,
Хаста ётган, бағри гирён меҳрибон отам менинг.
Соғинисиз, омонимиз, ақлу расо Қори укам,
Ишларингиз яхшиму жондан азиз катта акам,
Набиҳўжа, Алиҳўжа номларингиз дилда жо,
Зикрҳўжа, Ғаниҳўжа, Ботиру Ғулум укам...

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, отамнинг фронтдош сафдошларини кўришга, улар билан суҳ-батлашишга, биргаларики ишлаш шарафига муяс-сар бўлганимдан фахрланаман. Чунончи, Жамол-хон Азизхонов урушдан сўнг Ўқувпеднашр (ҳозир-ги “Ўқитувчи” нашриёти)да директор, сўнгра партия Марказий қўмитасида масъул вазифаларда фао-лият юритди. Мирзакалон Исмоилий ёзувчи сифа-тида машҳур бўлди. Журналист Мели Жўра умри-нинг охирига қадар “Ўзбекистон” нашриётида меҳ-нат қилди. Бир неча рисоалар қатори “Ноширно-ма” деган салмоқли асар ҳам ёзиб қолдирди. Ме-нинг ноширлик фаолиятим бошланишига илк бор сабабчи бўлган Илёс Муслим эса болалар шоири бўлиб элга танилди. Илоҳо, Аллоҳ улардан рози бўлсин, борган жойларини раъзаи райҳон жаннати ноилларидан қилсин. Уларнинг номлари, ёрқин сий-молари бугунги авлод қалбига мангу муҳрланган.

Бинобарин, фашизмга қарши жангларда қатнаш-ган, фронт ортидаги фидойи меҳнати ва қучли иро-даси билан буюк ғалабани яқинлаштирган юртдош-ларимиз хотираси ёш авлодчи мардлик, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омилдир.

Суръат АБДУКАРИМОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ҲАЁТИЙ БИТИКЛАР

नावий, хоҳ тарихий мавзуда бўлсин, маънавий ёки иқтисодиёт соҳасида, асосийси, кўтари-лаётган масала ва муаммонинг ичига ва ечи-мига кириб бора олди.

Дастлаб истеъдодли публицист-журналист сифатида танилган А.Эгамназаров йиллар ўтиб, қалами ўткир ёзувчига айланди. “Сиз билган Дукчи Эшон” ҳужжатли қиссаси, “Сургун” очерк-лар тўплами ҳамда “Кувноқ мухбирнинг саргу-заштлари”, “Оқловдан сўнг” китоблари бунга далил. Бу китобларнинг деярли ҳаммаси ўқув-чилар қалбидан жой олган ва ижодкорнинг са-лоҳияти, жиддий изланишлари жамоатчилик томонидан эътироф этилган.

Мана, қўлимга ижодкорнинг яқинда “Мусика” нашриётида чоп этилган “Икки аёл, икки хаёл” китоби. Назаримда, бу китоби А.Эгамназаров ижодининг сарҳисоби дейиш мумкин. Негаки, олти бўлимдан иборат бу китобда муаллифнинг узок йиллар давомида ёзган ҳикоялари, ҳаж-вийлари, очерк ва мақолалари жамланган. Юқорида айтганимдек, муаллиф қай бир жанр-да ёзмасин ва қай бир мавзуга қўл урмасин, аввало, ҳаётда бўлиб ўтган, ўзи яхши билган воқеа-ходисаларга мурожаат қилади. Шу са-

бабдан бўлса керак, бIRON жойда сунъийлик-ни пайкамайсиз. Мисол учун, “Тўйдан сўнг” ҳикоясини олайлик. Бу — оила, рўзгор ҳаёти-дан ҳикоя қилувчи барчага таниш мавзу. Ҳико-янинг қисқача мазмуни шуки, янги қурилган оилаға хиёнат аралашади ва охир-оқибат оила барбод бўлади. Бугун жамиятимизда қўйди-чик-дилар қўпаяётган, умуман, оила масаласи дав-латнинг ҳам, жамиятнинг ҳам “бош оғриғи”ға айланиб турганда бундай ҳикоялар жуда керак.

“Ўтди даврон” ҳикоясидаги қаҳрамонлар — Жалол Шукров катта бир даргоҳнинг раҳба-ри. Ҳеч кимнинг унга тиши ўтмайди, бутун та-ҳририятни қўлга олган. Фақат таҳририятда иш-ловчи Ханифахонгина бундан мустасно. Раҳбар-нинг жилови шу аёл қўлида. Таҳририятда Ха-нифахон ўз ҳукмини юргизади. Ходимларни иш-дан бўшатадиган ҳам, уларға мурувват қўрса-

тиб бошини силайдиган ҳам шу аёл. Очиги, ҳикоядаги воқеа кўнчилиққа таниш. Вақт ўтиб, хиёнат ва ёлғоннинг миси чиқади, оқибатда икки оила па-роканда бўлади.

Муаллифнинг “Таъмирланмаган йўл”, “Ёввойи мушук”, “Қора хат” каби ҳикоялари ҳам ҳаётийлиги билан қим-матли. Китобдан даврнинг муҳим мав-зулари кўтарилган, воқеа ва ҳикмат-ларға бой мақолалар ҳам ўрин олган. Улар орасида мазмун-моҳияти билан

асло эскирмайдиганлари анчагина. Хусусан, “Ҳабиб Абдуллаевнинг чўққиси” суҳбат-мақо-ласида улкан геолог олим ҳаёти қаламга олин-ган. Муаллиф қаҳрамоннинг бутун ҳаётини ба-тафсил тасвирламайди, асосий нуқталаргина эътибор қаратади. Адиб-гарчи Ҳабиб Абдуллаев муаммолар бугун ҳам долзарб. Жумладан, шўхратпарастлик сабаб тўйларда ортиқча

нинг ўзи билан кўришмаган эса-да, алломанинг рафиқаси Фотима опа, дўстлари, ҳамкасблари билан мулоқотлар асосида алломанинг миллат-парвар, фидойи инсонлигини кўрсатуви тур-ли эпизодларни келтиради.

“Никоҳ оқшоми: тўйхонада кимлар ҳукморн?” мақоласи айни кунда долзарб бўлиб турган тўйларимиз ҳақида. Мақола қарийб йигирма йил аввал ёзилган бўлса-да, унда кўтарилган муаммолар бугун ҳам долзарб. Жумладан, шўхратпарастлик сабаб тўйларда ортиқча



Икки аёл,
икки хаёл

дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйиш иллатлари ҳаётини мисоллар орқали ёритилади. “Эр ва хотин бур-чи” мақоласида муаллиф оила, ҳаёт муаммоларини жуда вазминлик ва му-лоҳазакорлик билан кўтарди. Албатта, ўз бурчини билмаган ҳар қандай киши аёлми, эракми, ҳаётда бир кун қоқилиши тайин.

“Томошабон” мақоласи ёзилишига машҳур адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг шу номдаги ҳикояси сабаб бўлган.

А.Эгамназаров шу асарға таянган ҳолда, Чор Россияси Туркистонни қандай босиб олгани ва халқимизнинг асл фарзандларини қандай азоб-лагани ҳақида кўнчилик билмайдиган тарихий ҳақиқатларни очади. Айниқса, “Тошкент Руси-яға ихтиёрий равишда қўшилди” деган ҳужжатга имзо чекишни истамасдан охири Сибирга сургун этилиб, Томскда заҳарлаб ўлдирилган Солиҳбек додхон тақдири ўқувчини бефарқ қол-дирмайди.

А.Эгамназаров ўз фаолияти давомида қўпгина шоир ва адиблар билан бирга ишлаган. Шулар-дан бири таниқли шоир ва журналист Анвар Эшо-новдир. Муаллифнинг Анвар Эшонов ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Кувноқ мухбирнинг саргузаштлари” туркуми юморға ва саргузаштларға бойлиги бил-лан китобхонни қизиқтириши, шубҳасиз.

Абдумажид АЗИМОВ

БУЮК ИШОНЧ

Улуғ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай муסיқа соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, ўзидан бой мерос қолдирган. У муסיқа ихлосмандларини, ҳаваскор қўшиқчи ва куйчиларни атрофига тўплаб, уларга муסיқа ва қўшиқ сирларини ўргатган. Ўғил-қизлари, яқинлари ҳам Абайнинг муסיқа таълимидан баҳраманд бўлиб, муסיқа асбобларида (дўмбира, най, скрипка, ногора ва бошқа) куй чалган, қўшиқ айтган. Улар орасидан кейинчалик таниқли бастакорлар ва хонандалар етишиб чиққани тарихдан бизга маълум.



Абайнинг кўпгина куй-қўшиқлари ҳалигача халқ орасида машхур, ижро этиб келинади. Айни пайтда шоирнинг йиғирма еттита қўшигининг 36 нусхаси нотага тўширилган. Абайнинг куй ва қўшиқлари халқ иходиётида учрамайдиган ўзига хос оҳангга эга бўлиб, қозоқ муסיқа санъатига янгилик олиб кирди ва унинг ривожига улкан хисса бўлиб қўшилди.

Абай яшаган замон нихоятда огир ва мураккаб эди. У шу даврнинг маънавий ҳавосидан нафас олиб, турли ҳодисалар гирдобидида тобланиб камолга етган буюк сиймо. Чунки у дунёнинг асл моҳиятидан бохабар, инсоният эришган дунёвий ва диний илмларни чуқур ўзлаштирган, маънавий камолот босқичларини босиб ўтган комил инсон эди. Мутафаккир ўз халқининг бахт-саодати учун жон куйидири яшаган даврда кенг қозоқ даласининг турли ҳудудларига сочилган халқни бир ёқадан бош чиқариб ҳамжихат бўлишга, тинч-тотув ва ахил яшашга, миллий бирдамликка қақирди. Абайнинг буюклиги ўша даврда тарқок ҳолда яшаган қозоқ элини биринчилардан бўлиб бир бутун миллат сифатида кўришни истаганида ва шунга даъват этганидир.

Ўша даврда қозоқ уруғларини бирлаштириш гоёсини амалга ошириш йўлида жуда катта тўсиқлар бор эди. Бир томондан, қозоқ уруғлари жуда ҳам тарқок ҳолда ҳаёт кечиради, иккинчи томондан эса, улар ўртасида ўзаро низолар ҳам йўқ эмасди. Марказлашган раҳбарликнинг йўқлиги, Чор Россияси амалдорларининг халқни бўлиб ташлаб устидан ҳукмронлик ўрнатилари, халқ орасида сунъий равишда турли ихтилофларни келтириб чиқаришлари элни бир-бирларидан узоқлаштиради. Шоир ҳар қандай огир шароитларда ҳам ўз элининг бахтли келажагига ишончини йўқотмади. Мана, қанча вақтдан буён мутафаккир шоирнинг ахилил, ҳамжихатликка қақирган сабоқларидан қозоқ халқининг неча-неча авлоди тарбияланди ва тарбияланмоқда.

Абай ўз асарлари, қўшиқ ва куйлари билан зулм, истибдод, жаҳолат, ҳақсизлик остида азоб

ва уқубатдан боши чиқмаган халқнинг дардига дармон, руҳига озиқ, танига қувват, дилига маърифат етказишни улуғ фазилати деб билди. Ўша даврдаги маданиятли халқларнинг илғор гоёларини қувватлади, уларни ўз халқига тарғиб қилишга интилди, ўзининг ҳаёти ва иходини халқига бағишлади. Унинг асарларидаги фикр қай жихатдан бўлмасин халқини олға даъват этиш гоёсига боғланди. Шу билан бирга, қозоқ адабиётини мазмун ва тил жиҳатдан бойитди ҳамда сўз санъатини юксак босқичга кўтарди. Ана шу хизматлари билан Абай қозоқ мумтоз адабиётининг йирик вакилига айланди.

Буюк Абайнинг номи ва ўлмас асарлари у яшаган даврда кенг тарқалмаган эди. Унинг биринчи китоби вафотидан беш йил ўтгандан кейингина Петербургда чоп этилди.

Бугунги кунга келиб Абайнинг эзгуликка йўғрилган илғор гоёлари тўлалигича ўз тасдиғини топди. Маърифатпарвар шоирнинг халқи манфаати йўлидаги орзу-умидлари ушланди. Қозоқ эли ўз мустақиллигини қўлга киритиб, миллий бойликлари ва меҳнатининг самараларини қўриб, эркин ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Мустақил Қозогистон давлати жаҳон харитасида тинчлик ва ҳамжихатлик мамлакати сифатида майдонга чиқиб, йилдан-йилга иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан юксалиб, барча соҳаларда ўз салоҳиятини намойён қилмоқда.

Қозоқ элининг янада мустақам бўлиши ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун буюк шоирнинг эзгу гоёлари, теран насихатлари, ҳамжихатлик ҳақидаги сабоқлари ҳамиша муҳимдир. Шу босишдан ҳам вақт ўтган сайин Абайнинг шон-шўхрати юксалаверади, буюк мутафаккир шоирнинг умумбашарий аҳамият касб этган доно фикрлари ва дунёвий қарашлари, ҳаётий эҳтиёжлар билан асосланган илғор гоёлари баркамол жамиятнинг маънавий таянчи бўлиб қолаверади.

Абдулла РУСТАМОВ,
абайшунос, шоир ва ёзувчи

Бошланиши биринчи саҳифада.

А.Алламбергенов: — Ижодий малака юксалишида модернча талқин қандай ўрин тутди деб ўйлайсиз?

У.Ҳамдам: — Қарши бўлмасангиз, модернча талқинни умуман модернча тафаккур тарзи деб олсак. Чунки модернча тафаккур тарзи бўлмасдан талқин ҳам бўлмайди. Хуллас, ушбу тафаккур тарзининг бугунги, замонавий ижодкор малакасининг ўсишида жуда катта аҳамияти бор. Чунки модернизм, айримлар илдоо қилаётганидек, олифалик эмас. У ҳаётнинг ўзидан ўсиб чиққан бир оқим, бир кайфият, ўзлиқни ифода этишнинг бир йўли. Бу йўлнинг сирини синоатларидан хабардор бўлиш эса, ўйлашмики, ижод устаси учун қони фойда. Ахир, уста курашчи курашнинг барча усулларини билгани яхшими ёки акси?... Демак, қайси "...изм" бўлишидан қатъи назар, ҳақиқий ижодкор уларнинг ҳавосидан симириб, керакли жиҳатларини кифоя қилғулик даражада ўзлаштирган бўлса, бу фақат ютуқдир.

А.Алламбергенов: — Сизнингча, халқчиллик принципи шеърини санъат даражасига олиб чиқадиغان омили бўла оладими ёки йўқми?

У.Ҳамдам: — Албатта, бўлади. Фақат бунинг битта шарт бор: ижодкор истеъдодли бўлсин! Истеъдод, истеъдод, яна бир бор истеъдод! Фақат у ҳал қилади.

А.Алламбергенов: — Устоз Озод Шарафиддинов "Модернизм — жўн ҳодиса эмас", дея унга эҳтиёткорлик билан ёндашса, Сувон Мелиев модерн йўналишини тамомила инкор этиб, бу йўналиш асл бадииятни тўшунмайдиган ва яратолмайдиган ижодкорлар йўли, дея ҳукм чиқаради. Ҳар иккала қарашга ўз фикрингизни билдирсангиз?

У.Ҳамдам: — Шўро даврида модернизмга тақиқ қўйилди. Бу ишнинг ўзига яраша арзигулик сабаблари бўлса-да(чунки, модернизм индивидуализмни ёқлайди, ахлоқий чегара танимайди, ҳар қандай анъанани инкор қилади ва ҳоказо), оқимнинг дунё тан олган, жаҳон адабиётини алоҳида мавқега эга бўлган вакиллари бор эдики, уларнинг асарларини ман қилиш инсонни яхши билмаслик, унинг бадиий тафаккур тадрижини менсимаслик билан тенг эди. Зеро, модернизмни билишга интилиш инсонни билишга, унинг ботинидаги пучмоқларга бўйлаша, ичкаридаги зиддиятлардан бохабар бўлишга интилишдир, бунинг маҳлиёллик ёки гарбпастиликка асло алоқаси йўқ. Инсоннинг санъату адабиётдаги ҳар бир ҳодисанинг туб илдизларига соғлом назар сола олиши, алаоқибат, унинг дунёқарашни бутунлигини таъмин этибгина қолмай, маънавий иммунитетини ҳам чиниқтиради. "Модернизм нима?" деган са-

волга дунё ва ўзбек олимлари кўпдан бери жавоб бериб келишади, ҳалигача бу масала устида баҳслар якунлангани йўқ. Модернизм, ўзбек олими О.Шарафиддинов таъкидлаб айтганидек, "жўн ҳодиса эмас". Ўзбек адабиётшунослигида, айниқса, Истиклол йиллари модернизм атрофида қизгин баҳслар бўлди. Баҳсларда, асосан, модернизмни ўзбек менталитетига бутунлай ёт мафкура ёки, аксинча, модернизм инсоният бадиий тафаккур тадрижининг бир босқичи, уни ўқиб-ўрганишнинг ҳеч бир зарари йўқ, деган икки қараш айтилди. Чунки, сиз эслаган адабиётшунос олим, ўзига хос қарашлар эгаси Сувон Мелиевнинг чиқишларидан ташқари филология фанлари

Ўзбек ижодкори сиймосидан
Ғарб модернистини қидириш ҳам тўғри эмас.

доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов "Абсурд маънисизликдир" ("ЎЗАС", 2002, 28-июнь) мақоласида модернизм оқимларидан бири — абсурднинг кескин танқид остига олади, уни "инквироз", экзистенциализм оқимини

қилиш натижасида умидсизлик, эртанги кунга ишончининг йўқолиши ва ҳоказо.

Бу ва бунинг каби бошқа омиллар постмодернизмни пайдо қилди. Булардан ташқари, реалистик санъат оламини тушуниш ва тушунтиришга уринган метаривоятлар яратган бўлса, постмодернизм уларни бекор санайди, ўрнига бутун олам ҳақида эмас, балки унинг парчалари ҳақида тасаввур берадиган кичик ҳикоялар яратади. Чунки фақат парчаларгагина ишониш мумкин, деб билади. Мутахассисларнинг фикрича, айтиш шусузият постмодернизмни модернизмдан ажратиб турувчи асосий фарқдир. Чунки модернизм ҳам худди реализм каби

дунёни яхлит кўради, воқеликни бадиий идрок этиш мумкин эмас, деб билса-да, унинг яхлит, бутун моделини яратишга уринади. Постмодер-

низм эса воқеликни парча-парча ҳолида кўради ва ифодалайди. Постмодернизм учун ижоднинг, асарнинг ўзи жараён, мақсаддир. Унингча, бадиий асар ташқаридаги оламини тушунтириб беришга қодир эмас,

шунинг учун ижод жараёнининг ўзи қадрият. Зеро, дунёни англаб бўлмайди, унинг ўзи маъни(логос)дан холи, деб билади. Постмодернизм анъанавий маданият негизидagi логосцентризмни инкор

қилади. Бас, шундай экан, дунё ҳақида муайян маънога суянган концепцияни илгари сураётган муаллифнинг ўзи ҳам қадрини йўқотди. Чунки постмодернизмга кўра, муаллифни қадрли қилаётган логос(маъни) ўз аҳамиятини йўқотгандир. Модомики, дунёни маъно ёрдамида тушунтириб бўлмас экан, уни тушунтирмоқчи бўлган муаллифнинг ҳам ўрни бўлмайди. "Муаллиф ўлими" концепцияси шундай вужудга келган. Дунёни узук-юлук ривоятларгина тушунтириш мумкин, дейди постмодернизм...

Энди, Анвар, ўзингиз ҳулоса чиқаринг, мана шунча гапдан кейин "постмодернча талқин шеърини дунёқараш юксалишига олиб келадими?". Назаримда, постмодерн дунёқараш ва ифода йўсинини ўз дунёқараш ва услубига пайванд қилган, лекин бу дунёқарашда ўзгичлиги йўқотиб қўймаган ижодкоргина мазкур йўналишнинг маъв этувчи буронларидан омон чиқа олади.

Фақат шундай ижодкорнинг шеърини дунёқарашда, айтиш билан тафаккур тадриҳида сиғиш бўлиши мумкин. Мен бу ҳақдаги мулоҳазаларимни "Инсон ва постмодерн дунё" деган шеъримда тўлиқроқ ифодалаганман.

А.Алламбергенов: — Сизнингча, ўзбек модерн шеърятинида миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор нечоғли?

У.Ҳамдам: — Бу масала ўзбек шеършунослигида монографик планда ҳали ўрганилмаган эмас. Жумладан, мен ҳам масалани сиз қўйган тарзда қўйиб тадиқ қилган эмасман. Ҳозиргача модернизм ҳақида ёзганларимиз унинг умумий қиёфасини чи-зишга қаратилди, десам кўнглим хотиржам топади. Чунки йўқ нарсани бор қилиб кўрсатмаган бўламан-да. Демак, бу каби масалалар сиз каби ёш тадиқотчиларини кутиб турибди.

А.Алламбергенов: — Тили билмай шеър ёзишга жазм қилган шоир сузишин билмай дарёга тушган анойига ўхшайди, дейишади. Ҳозирги кунда шеър нималигини билмай ёки модернистнинг асл моҳиятини англамай модерн йўналишида ижод қилаётганлар кўп. Булар ҳақида нима деган бўлардингиз?

У.Ҳамдам: — Ҳа, ҳозирда модернизм айрим истеъдодсиз қаламкашлар қочиб бориб остига яширинадиган қатта хона бурча-гидаги столга айланиб қолди. Ана шу стол остига кириб олсак, бас, модернист бўлаимиз-қолаимиз, асли ким эканлигимизни ҳеч ким билмайди, деб ўйлашиб, тушунуксиз, нуқта-вергулсиз ва қофиясиз мисралар йиғиндисини модернистик шеър бўлса керак, деб таҳмин қилишади, бошқаларни ҳам шунга ишонтирмоқчи бўлишади. Асло! Модернизм жуда мураккаб ва ранг-баранг оқимдир. Шунинг учун ҳам ҳали ҳеч бир шоир ёки носир ўзбек адабиётинида чинакам модернизм ҳодисаси бўлиб қўш олдимизда қад ростлаган эмас. Бошқа томондан, биз Шарқ фарзандларимиз. Ўзбек ижодкори сиймосидан Ғарб модернистини қидириш ҳам тўғри эмас.

А.Алламбергенов: — Ёзувчининг ўқув-чига айтётган дарди қанча кучли бўлса, асар тили шунча бийрон бўлади. Умуман олганда, модерн шеърятини анча "муҳамал"дек. Ёки бу руҳда ижод қилувчи шоирларнинг ёзаётганларида дард йўқми?

У.Ҳамдам: — Анъанавий шеърят Шарқда мингйиллик таърибага эга. Модернизм эса — кечаги бола. (Ғарб эса постмодернизмни "яшаб ўтди" ҳисоб.) Шунинг учун ҳам аруз ва бармоқда балоаб савиядаги меросимиз бор. Модерн руҳли шеърятимиз эса ҳали ёш. Шунга қарамай, ширин мевадари йўқ эмас. Ўйлашмики, ўзбек модерн шеърятинидаги изланишлар, худди бошқа жанрларда бўлганидек, ҳали давом этади ва кун келиб ўзининг гўзал намуналарини беради.

Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

ГУЛИСТОННИНГ ИЖОД БЎСТОНИ

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ижод қилиб келаётган таниқли шоира Гулистон Матёқубова, мана, эллик йилдирки, тинимсиз бадиий ижод билан шуғулланиб элга танилди. Шоира юксак маънавий хислатларга бой, халқимизнинг яратувчилик фаолиятини қамраб олган, давр талабларига жавоб бера оладиган ҳозиржавоб публицистикаси ва нафис поэзияси, дoston ва ҳикоялари билан ўқувчилар эътиборини қозонди. Унинг асарларида замон ва маконнинг бадиий умумлашма образлари, нафосатга бой, чуқур ички кечинмалар акс этган ранг-баранглик, хуллас, ижодкор руҳий дунёсининг роҳатбахш қувонч ва таъшивилари ўқувчини ўзига тартади.

Атоқли шоира Зулфиянинг 1993 йили "Гулистоннинг бўстони" мактуб-мақоласи мана шундай сатрлар билан бошланади: "Халқимизда "Тўй ўтар, келин ёнга қолар" деган ажойиб мақол бор. Бугун мен қорақалпоқ дўстларимнинг қайноқ туйғуллар билан тақдим этиб кетган янги китобларини ўқишга киришаман. Аҳиллик насаби ёлиб келиб Гулистон Матёқубова билан қалбланишдан бошлайман. Китоб дастлабки саҳифаларданок мени қорақалпоқ адабиёти бўстонида илк бошлаб кирган халқ эртаклари, дostonлари, айтишлари, уланлари кечган қадим ва узун йўлнинг давомига улангандай бўламан. Гулистоннинг "Мен сен учун яшайман", "Севиб қолсин" деб аталган китобларини қўлимага оламан. У "Мен сен учун яшайман" китобини "Ўқувчимга" деган гўзал ва бақувват бир шеър билан бошлайди:

Дўстим менинг,
Сенга айтмай кимга айтмаман,
Чунки сен қўлигга олиб китобим,
Сатрлар дардида қулоғинг тутиб,
Қўлларинг соҳ ёниб, гоҳида тиниб,
Қўлига сирларини ўқимоқдасан.
Ҳа, ўқимоқдасан. Лекин шу китобга сўзбоши ёзган, Гулистоннинг устозларидан бири, машхур шоир Иброҳим Юсупов айтганларидек, деразаларини қия очиб қўйиб эмас уларни ёлиб, ҳарир пардаларини ҳам тортиб қўйиб ўқий бошладим...
Интизор туйғуллар ўз ифодасини излаб еру осмонроқ чарх уриб, яна шоира юрагиди қўлима топади. Шу туйғайли биз туйғуллар рост, кечинмалар ўтти, манзаралари гўзал, фикрлари тиник, азамат сўзларда сайқал топган шеърятидан ҳузур қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам Гулистоннинг шеърлари чуқур маъноли, ўқувчини мушоҳада ва ҳаяжонга сола-диган ижодий изланишлари табиий, ўз ўрнида қўланилган ҳаётини кечинма-лаҳзалар шоирона руҳият билан тўлиб тошган, ўй-фикрларини ўзига хос гўзал ташбеҳлари билан образли шакллантиришлари таҳсинга сазовордир".

Дарҳақиқат, шоиранинг "Садоқат ва севи-ги" шеъринида мазкур сатрлар ҳам юқорида айтилган фикрларга далилдир:
Ардоқлади қалбиди илк бор,
Ўт ташлаган муҳаббатини,
Қўйналса ҳам кутди интизор,
Қўрсатиб чин садоқатини.
Хуллас, шоира лирик қаҳрамонининг севи-ши ҳам сирли, табассуми ҳам сирли, нозик юришлари ҳам сирли, тўлиб-тошиб ҳаяжонла сўзлашилари, шўх қўлиб боқишларининг ҳам ўқушши йўқ. Унинг илк шеърларидан бирини маъ-шўқа ўзи севаган йиғитига боқиб мени севагани ёки бу ҳам қалбингда сирми, дея дил розини нозик оҳангда баён этса, яна бир шеърлида: "Сиз ҳам мендек байтларини севагин, то тирикман ил-ҳом ва қалам мени ҳечам тарк этолмайди" дея бонг уради. "Дийдор" шеърлида "Солдат ҳақида баллада" фильми таассуротлари асосида, даҳшатли ўруш йилларида онанинг аскар ўли билан бугдойзорда бир зумлик шошилчинч учрашувига ҳалақит бермаслигига даъват этиб "Бошингизни эгиб бироз жим бўлинглар, бошоқлар" дея ажойиб ташбеҳлар яратади.

Г.Матёқубованинг "Бахт келтирган баҳор", "Ҳаяжоннинг етти ранги", "Ойдин остона", "Мен сен учун яшайман", "Интизорлик", "Жай-хун ёқасида ўсган бойтерак", "Муҳаббат юрти", "Ота уйим", "Ватан руҳи", "Ўйғониш нашла-си", "Гулоим" каби китоблари ўзбек, қорақал-поқ ва рус тилларида нашр этилгани ҳам эъти-борга лойиқ.

Таниқли адабиётшунос Каримбой Қуронбоев истеъдодли шоира иходини шундай баҳолайди: "Албатта, гап бу ерда иходий фаоллик ёки сер-махсусликка эмас. Гап шундаки, ҳар қандай ижод-корнинг ёзувчилик маҳорати, бадиий салоҳияти кўп ёзгани ёки қанча китоб чоп этиргани билан ўлчанмайди. Балки яратган асарининг бади-ий эстетик қиммати, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий, фалсафий қарашларини чуқурлашти-ришга таъсир қўрсатгани билан белгиланади.

Агар Г.Матёқубова (Аннақиличева) асарларига шу нукта-назардан ёндашсак, асарияти бади-ий ижод қонуниятларига жавоб беради. Ҳар бир асарининг ёки нашрдан чиққан ҳар бир китоби-нинг адабий жамоатчилик, мутахассислар, ўқув-чилар томонидан илқ кутиб олингани, тақриз-ларда, мақолаларда ижобий баҳолангани, ўйла-манки, фикримни тасдиқлаши мумкин".

Маълумки, сонет поэзиянинг энг мураккаб жанрларидан бири. Шоиранинг бу жанрдagi юту-ғида ғарб адабиёти илғор намояндаларининг ихо-дини чуқур ўргангани ҳам қўл келган. Унинг со-нетларида ўзига хос услуб диққатни тартади:

Қалбингизга чизиларми хотира бўлиб,
Сиз-ла мени учраттирган у бахтли кунлар.
Улар умрим осмонидо офтобдай қулиб,
Туман тушсан йўлакларга тўқайди нуралар.
Гулистон сонетлари билан ҳам китобхон қал-бига йўл топа олгани қуйидаги мисраларда ҳам ўз тасдиғини топган:

Минг оҳ чекиб, юзингизга урилган шамол,
Ерга иштиқ тўлиб-тўлиб йўлгадан бўлут,
Тонгни қўриб юзларини яширган ҳило,
Қўйш чиққач бари-бари бўлган унут...
Гулистон Матёқубова сайланма асарларининг учинчи жишлидан публицистик асарлари ўрин ол-ган. Унинг Пекинда бўлиб ўтган Бутунжаҳон хо-тин-қизларининг IV конференцияси таассуротла-ри асосида ёзилган "Юрт бахтини айтгани бор-дим..." ва Истанбулда бўлиб ўтган Халқаро анжу-ман таассуротлари баён этилган "Насл-насабли юрт фарзандларимиз" сарлавхали публицистик мақо-лаларида Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият-даги муносиб ўрни, мустақиллик туйғайли эриши-лаётган улкан ютуқлар, ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. Энг муҳими, оналик бахтини юракдан ҳис этаётган бахтли аёл тинимсиз муаллиф ўзи-нинг салмоқли қалб сўзларини ихор этади.

"Мустақиллик иқбол бўлди..." мақоласида эса Истиқлол юрларига салоқат, Ватанга юксак меҳр-муҳаббат таранум этилган. Орол бўйи ҳудудини обод қилишнинг долзарб масалалари қаламга олин-ган. Мақолада давлатимиз раҳбари Қорақалпоғис-тон, айниқса, Мўйноқ тумани фаровонлиги учун яратиб бераётган имкониятлар ҳикоя қилинган.

Ҳаётнинг қувонч ва таъшивиларини дид билан эҳтиросли қуйилган, қалбиди Ватан истиқболига ишонч ёлқини доимо барқ уриб турган истеъло-ли ижодкор Гулистон Матёқубовани қўтулғ ёши билан муборакбод этиб, улкан иходий муваффа-қиятлар тилаб қолаимиз.

Муслихилдин МУҲИДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Бойназар ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари доктори

Умр ибрати

Ҳалима АҲМЕДОВА

ҲАЁТ — ГҶЗАЛ ШЕЪРДИР



Эй соғинчининг маънос сафарлариди,
Исминга нилуфар гулини эккан.
Шамол тўқкан ғамгин ифориин ҳидлаб,
Йиллар соҳилида йиғлаб энтиккан.

Эй тунни тунарларга уриб синдирган,
Қалбнинг тўлғоғини куй қилиб чалган.
Ҳаёт юрагидан сийдиб ўтувчи —
Нурнинг кесмасида чизилиб қолган.

Тинглайман, овозинг келар тупроқдан
Ва яна келади осмон қаъридан.
Ёдининг ўчириб боради кунлар,
Қисмат дафтарида, ишқ дафтарида.

Қайси пайт хазонрез боғлар ҳайқирди:
— Биз томонга ўтма, ўтма биз томон.
Ўтдим,
алангарлар оралаб ўтдим

Энди мени севар шамол ва хазон.
Мен қуз аҳлиданман,
ёмғирлар билан,
Сувларга чизаман ҳаёт расминин.

Ҳар кунни елкамга осмонни ёпиб,
Шамол ўргатади кетиш рақсини...

Эй сен, эслағувчим ишқ соҳилида,
Эй сен, шафақзорлар ичра йўқолган.
Не учун суваринг кўнглимдан ўтган —
Нурнинг кесмасида чизилиб қолган.

Шамолда чиройли куй энтикади,
Дарахтларнинг кулранг қовурғасида.
О, ҳаёт таъсирчан шеърга ўхшайди,
Ёришиб келаётган тонг нафасида.

Бу шеърин ёллайман зукко толибдай,
Йиртиб қайгу чизган хариталарни.
Орзуни туш кўриб ухлатганлар,
Туринг, тонгга очинг даричаларни.

Ҳаёт — гўзал шеърдир,
жон деворида,
Кўчирайлик уни тонг дастхатида.
Қайта туғилмайлик самандлар мисол,
Замин ва осмоннинг муҳаббатиди.

Хўрсинманг,
осмонга дарз етмасин,

Кўнглини тоблайлик кун назарига.

Кетайлик,
Кетайлик саболар билан,
Майса сафарига, ишқ сафарига.

Дунёнинг энг гўзал куйини яратсин,
Томиримиз чертиб куйчи чақмоқлар.
Қаҳ-қаҳ отайлик жўр бўлиб бирга,
Қиқираб кулганда момоқаймоқлар.

Башоратчи уфқ ёнида туриб,
Кўрайлик,
шодлик илдиридан ажралганин ғам.
Сарғайиб, ичкиб қолмасин ахир,
Уйдан олиб чиқинг орзуларин ҳам.

Қаранг, қандай гўзал, қандай чиройли,
Гулнинг соғинчини ҳўплайди тикан.
Юришга ҳолим йўқ, дея зорланманг,
Олда дарахтлар бор суянадиган.

Ҳаёт — нафис шеърдир, кечикмай ёдланг...

Хонам хомуш эди,
шаббода кирди —
Очиқ деразадан югурганча шод.
Ва настарин ҳиди ҳаво тилида —
Ўтган ишқ қиссасин куйлади озод.

Осмон яқин келди, оқ булут қўнди,
Кўнглим дарахтнинг шоҳига қўшдай.
Зулматлар ажралиб кетди руҳимдан,
Шовқинзорга чўккан ҳазин товушдай.

Жонимнинг қоронғу бурчакларига,
Энтикиб таралди нури ҳувайдо.
Шунча яшилмиди,
ям-яшилмиди —

Сабзага чайилган қўлларинг, само?!

Сен келдинг.
ёмғирлар таронасида,
Ҳисларин чайқалдинг, эй зумрад мироб.
Янги келинчақдай саломга келди,
Уфқнинг уйдан чиқаётган офтоб.

Осмон руҳидаги тиниқ овозини,
Тингладим дарёни тинглаган мисол.
О, бунча завқ билан қандай яшайман,
Кун кўрдинг, дегани шудир эҳтимол.

Эҳтимол қайғуга бормасман энди,
Дард босган юракни ювди ҳаяжон.
Эй ҳаёт, ростини айтгин кўзинида,
Мана шундай қулиб қарадим қачон?!

Сен келдинг,
гулладим, ахир сенгача —
Қор эдим, оёқлар изи қолган қор.
Ташаккур, келганинг учун аммо айт —
Сенга манзиллини ким берди, баҳор?!

Дадам бор эди, дадам,
Ҳайбати тоғларни қилгудек талқон...
Онам бор эди, онам,
Ҳар қандай қайғунин айлалган ризвон...

Улар кетди.

Улар билан кетди нимадир,
Ортидан қолгани — биз олти нафар,
Ва яна қолди

суяк-суягига болалигимиз
Сингиб кетган ҳовли муштипар...
Адашган қуш патлари каби,
Тўрт томонга тўзғиб кетган биз,
Даламизнинг юрак парчасини,
Онамизнинг юрак парчасини —
Билиб билмай узиб кетган биз —
Йиғилишдик,

Ҳануз бурчак-бурчакларидан,
Меҳр сизиб турган ҳовлига.
Биздай бешафқатлар юрак уришин —
Санаб, сезиб турган ҳовлига...
Катта укам айтди: — Сотамиз, тамом.
Кичик укам айтди:
— Ижарага қўйсақ бўлмасми?!

Ўйладим:
Болалик хотираларин ижарага қўйса,
Ёхуд сотса бўлармикин,
Бўлармикин, кўнгида барқ уриб гуллаган
Соғинчини илдиридан суғуриб?!

Назаримда дадам ўйчан қараб турарди,

Онам йиғлар эди ҳовли супуриб...

Ва яна,

Ва яна тўкилар эди,

Хазонга айланган дунё дарвлари.

Бизга ниманидир айттиси келиб,

Беруҳ сочиларди,

Бағри қонга тўлган олма барглари.

Гулзордаги саргайган гуллар,

Бош уриб шамолда урарди фарёл.

Ҳовлининг киртайган кўзига боқиб,

Йиғладим,

Бўғзимга тикилди ҳаёт.

Ва дедим: Бас қилинг, етар энди бас,

Ҳовли сотилмайди,

Кўйилмайди ижарага ҳам.

Уни таъмирлаймиз, уни асраймиз...

Қаҳ-қаҳ уриб қулди бош чайқаб укам.

Сўнг жим қолдик,

Ҳовли юзида —

Эшитилгандек бўлди қадам товушлари.

Ва дарахт шоҳига кўниб бизларга

“Муножот”ни айтди кўзининг қушлари.

Сездик онам руҳи,

Дадамнинг руҳи

Кезиб юрар эди ҳовлида майин

Кейин тарқалишдик.

Дилимни ҳануз

Нимадир эзди, янгар кун сайин

Кўнглим ёмғир ёзар, осмон қорайган

Ўйлайман, гулларни юлғандир шамол

Дадамнинг кўзида, онам кўзида —

Йўл пойлаб чарчаган ҳовли эҳтимол.

Ёмғир шаррос қуяр, соғинчиларим ҳўл

Юзимни ўгириб дунёдан,

барн-баридан,

Хавотир оламан кимсасиз ҳовлидан

Ва яна дадамнинг қабридан,

Онам қабридан...

...Дадам бор эди, дадам,

Ҳайбати тоғларни қилгудек талқон...

Онам бор эди, онам,

Ҳар қандай қайғунин айлалган ризвон...

ШАҲРИБОНУ



Юртим

Оловранг қўёшга монанд ҳаяжон,
Дилимга қўчади туйғулар — ўтли.
Ниҳоллар осмонга бўй чўзган макон,
Сокин дарёларга ўхшаган юртим.

Тўполон қилади боғларда сойим,
Бобом чертган торнинг хониши тотли.
Сенга қиёслагим келади доим
Ҳўлқар юлдузининг ёнишин, юртим.

Бандимдан узилсам паноҳим замин,
Кўз-кўз қилгим келар, сарчасшам юртим.
Боболарим юрган тупроғим қадим,
Менинг атиргулга ўхшаган юртим.

Бу уйда отам яшар,

Онам яшайди бунда.

Кўзларим келар бошлаб,

Юрагим келар ундаб.

Дардларимни ортмоқлаб,

Судраб ташвиш, аламини.

Хафа бўлиб, тўтоқиб,

Йиғим бузиб оламини.

Тўлиб кетса қалб дафтар,

Ташвиш босганда ногоҳ.

Келаман мен ҳар сафар,

Онамдан истаб паноҳ.

Бу уй жимликда, бесас,

Асрлар ўтар бир он.

Бу уй ҳечам ўзгармас,

Бу уй олдий, қадрдон.

Ҳар не алфоз, ҳар қўйда

У жаннатга ўхшайди.

Отам яшар бу уйда,

Бунда онам яшайди.

Ҳаёлим

Секин келди қаршимга ўйинг,
Ниҳолларинг кўзимга қўнди.
Гул келтирди қафтида бўйинг,
Кўз ҳаёлим чуллаган тунда.

Буруқситиб чекар мўрилар,
Узоқларга тарқалади дул.
Ҳаёлимга секин тўр илар,
Ишқ ҳақида айтилган суруд.

Қора қўйлак кийган малак-тун,
Сочларида нури тўғнағи.
Кўнглим овлан билан ҳалак тун,
Мени эса тилкалар соғинч.

ОСМОН
ТУЛА
БАХТИ

Нукталарининг ортидан ундов,
Сарвлардан сарбаланд бўйинг.
Кўнглим каби сим-сиёҳ тунда
Секин келди қаршимга ўйинг.

Одамлар

Мен ҳам бу дунёнинг бир бўлагиман,
Сиз-ла ташлагайман шахдам қадамлар.
Энг тоза, энг гўзал ишқ йўлагидан,
Юрагин измида юрган одамлар.

Оқ-қора дунёда ранглар жилваси,
Қалбимга ҳамоҳанг чашманинг саси.
Ишқ боғида сарсон, кўзлари басир
Юрагин измида юрган, одамлар.

Денгизда саргардон кемалир юрак,
Унга севги даркор, унга дард керак.
Тўфон яқин, нега тортмайси саргак?
Юрагин измида юрган одамлар.

Бизга ишқ сарҳади асли тўрт тараф,
Иситар вужудим юракдаги тафт.
Биз гўё маёқмиз, ортимизда саф,
Юрагин измида юрган одамлар.

Ой

Осмон тўла юлдуз, осмон тўла бахт,
Сен олов қизими, тун беваси ой?
Ниҳомим узолмам, кўзларим қарахт
Англомай қийналдим ишқ шевасин, ой.

Сочларинг тун каби силасамми, айт,
Ҳижрон они ўтли денгиздирми ё?
Муҳаббат дардини биласамми, айт,
Сен кўкда, мен ерда эгиздирми ё?

Тоғлар бор адоқсиз, сарҳадсиз уммон,
Мен олдий дарё ҳам кечолмайман, ой.
Ҳаммаси чалқашдир, онгимда туман,
У мушкул масала, ечолмайман, ой.

Чақмоқ ниҳоллардан етгандир озор,
Юракка чизилган ўша изин ой?
Икки қалби нолон, икки дили зор,
Сен менга, мен сенга ўхшаймизми, ой?

Бекатларда

Бекатларда яшайди ҳижрон,
Бекатларда қувонч яшайди.
Ҳаёт қайнар, тинмайди бирон,
Бекат сенга, менга ўхшайди.

Янгиларан лаҳзалар, замон,
Неча фасл айлалар, ўтар.
Тунлар кетиб, ёришади тонг,
Бекат бизни қўзатар, қутар.

Жонсиз вужуд, у совуқ оғуш,
Бекатларда югурар йиллар.
Кўлни силтаб қолади соғинч,
Бизни олиб кетади йўллар.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимизнинг китобхон-
лик маданиятини ошириш
борасидаги ташаббуси боис кўнглим-
да янги кутубхона бунёд этиш нияти
туғилди. Ақаларим ва оналарим билан
маслаҳатлашиб, отамиз кўп йил-
лар давомида жамлаган, аксариятини
ўзимиз ўқиб чиққан китобларни
алоҳида кутубхона қилишга қарор қил-
дик. Бундан хабар толган вилоят ҳоки-
ми ташаббусимизни қўллаб-қувватла-
ди ва кутубхона очилишида шахсан
иштирок этиб, янги нашр этилган ки-
тоблар совға қилди. Туман ҳокимияти
ҳам қараб турмади. Хуллас, икки ярим
мингдан зиёд китоб фондига эга
мўъжазгина кутубхона ташкил топди.
Эзгу ниятли одамнинг ишларига Ярат-
ганининг ўзи мададкор бўлар экан, да-
ладаги юмушларда ҳам, кутубхона
қурилишида ҳам, уйда ҳам баракаси-
ни берди. Ишларимиз юришиб кетди.

Нодирбек ёши қирқлардан ўтган
бўлса-да, табиатан мулоҳазали, кам-
тар, камсукум, аммо айтган ҳар бир
сўзи маъноли. Бундан ўн саккиз йил
аввал ташкил этган фермер хўжали-
гини икки акиси билан юртади, 70
гектар ер майдонида пахта ва буг-
дой етиштиради. Оталаридан ака-
укаларга қолган бебаҳо мерос —
ўзаро ва маҳалла аҳли билан аҳил-
лик, хўшмуомалалик, деҳқончилик
тажрибаси, қолаверса, китобга
бўлган меҳр унинг хатти-ҳаракатла-
рида сезилиб турибди.

Сўхбатимиз жараёнида у Қозоқовул
қишлоғи марказида, катта йўл бўйи-
да, эътибордан четда қолган ерда ку-
тубхона қурилиши жараёни муҳрлан-
ган суратларни кўрсатар экан, 2017
йил июль ойида бошланган кутубхона
қурилиши тез фурсатларда битири-
либ, янги жиҳозлар билан таъминлан-
гани ва 2018 йил 31 январь кўни очи-
лиш маросими ўтказилганини сўзлаб

берди. Албатта, бу ишлар фермернинг
ўз вақтидан кенчиктириб бўлмас деҳқ-
ончилик ишлари — пахта йиғим-тери-
ми, кузги шудгор ва бугдой экиш бил-
лан баб-баробар олиб борилган. Хул-
лас, февраль ойидан кутубхона чина-
камига иш бошлаган ва Олимжон ота
Сиддиқов номи билан аталган.

— Отамиз Олимжон Сиддиқов йи-
гирма йилча ҳозирги Бўстон қишло-
ғидаги хўжаликда раис бўлган. Нафа-

ғишланибди. Қишлоқдаги 14-умумтаъ-
лим мактаб ўқувчилари учун бу кутуб-
хона нақадар аҳамиятли эканини сўз
билан ифодалаш қийин.

Китоб жавонлариди турган Алишер
Навоийнинг ўн жилдли асарлар
тўплами, “Бобурнома”, “Шоҳнома”,
Машраб ғазаллари, Маҳтумқули шеъ-
рлари сингари қўллаб муамтоз адаби-
ёт намуналари, “Қамолот кутубхона-
си”, “Жаҳон адабиёти” туркумида чоп

этилган асарлар... Жеймс Жойс, Пер-
си Биши Шелли, Кафка асарлари...
Болалар адабиётига эса, алоҳида жа-
вон ажратилибди. Ўқитувчи ва ўқув-
чилар учун қўшимча адабиётлар ҳам
талайгина.

да китоб олишга 50-60 нафар китоб-
хон келиб-кетар экан.

— Тўда, Шўран каби қўшни қиш-
лоқлардан ҳам ўқувчилар қатнашади.
Улар бирданига 2-3 та китоб олиша-
ди. Узоқ йўл босиб келишгани сабаб-
ли уларга истаганича китоб берамиз,
— дейди Гулмира. — Мактаб ўқувчилар-
и ҳар кун шу ерда. Алоҳида режа
асосида маънавий-маърифий тадбир-
лар ўтказишни ҳам йўлга қўйдик.

Яқинимизда жоме масжиди бор.
Намоздан кейин оқсоқоллар кутубхо-
нага кириб ўтишади. Хуллас, маска-
нимиз доим гавжум. Келгусида ўқув-
чиларни институтга тайёрлов курси,
адабий тўғараклар очишни ўйлапмиз.



Кутубхоначи Гулмира Сиддиқова —
Нодирбекнинг турмуш ўртоғи — олий
ўқув юртида кутубхоначилик касбини
эгаллаган. Унинг айтишича, бир кун-

— Компьютер олиб қўйдим, — деб
сўхбатни давом эттирди Нодирбек. —
Интернет тармоғига улаб, кутубхона-
ни электрон кутубхона билан бойита-

миз. Ўзим ҳам “ZiyoNet”, “Ziyo.uz”
сайтларидан китоблар ўқиб тураман.
Фермер хўжалигимиздаги ўттиз на-

Қалби дарё одамлар

фар ишчи ходимнинг ҳаммаси кутуб-
хонамизга аззо бўлишган.

Сўхбатимиз давомида кутубхона
олдида одам йиғилиб қолди. Шу ора-

да келиб, даврамизга қўшилган ма-
ҳалла фаоли Баҳодир ака Мамасоли-
ев ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди:
— Муҳтарам Президентимизнинг
ташаббуси билан ҳамма жойда китоб-
хонлик маданиятини оширишга эъти-
бор қўнайди. Бу бежиз эмас. Кутуб-
хона очилганидан кейин маҳалладаги
ижтимоий-маънавий муҳит яхшигина
ўзгарди. Маҳалламизда салкам тўрт
минг аҳоли яшайди. Ҳар бир хонадон-
га китоб кириб борди десам, янглиш-
майман. Ўзим ҳам уйга, қизимга ки-
тоб олиб бориб тураман. Ҳар кун
камида бир соат вақтим шу ерда
ўтади, озгина вақт топсам, янги кел-
ган газеталар билан танишаман. Дунё
янгиликларидан хабардор бўламан.
Нодирбекка раҳмат! —

Кутубхонадаги “Фикр-мулоҳазалар
китоби”га ўз фикримни ёзишга тути-
нар эканман, қўшни Андижон вилоят-
тининг Балқичи туманидан келган меҳ-
нат фахрийси Муродилла Раҳмонов-
нинг ёзувларига кўзим тушди: “Олим-
жон ота Сиддиқов номидаги ўшбу зиё
маскани бизда жуда катта таассурот
қолдирди. Шундай маскани яратган-
ларга раҳмат!”

Ўқувчи, ҳарбий хизматчи, журна-
лист сингари қўллаб китобхонларнинг
фикр-мулоҳазалари билан танишиб,

халқимизнинг китобни, маърифатни
нақадар қадрлашига яна бир бор
икрор бўлдим.

Нодирбек билан хайрлашув олди-
дан унинг эзгу ишларини қўллаб-қув-
ватлашга қарор қилдик. Ахир адаби-
ётимизнинг чинакам тарғиботчисини
биз ижодкорлар бошимизга кўтарма-
сак, ким кўтаради. Кутубхонада ало-
ҳида жавон ажратиб, унга туҳфа си-
фатида бевосита Ўзбекистон Ёзувчи-
лар уюшмаси томонидан “Иход” фон-
ди ҳомийлигида чоп этилган “Ўзбек
адиблари”, “Озод Ватан саодати”,
“Адолат йўли” сингари юз дондан
ортиқ бадий ва публицистик адаби-
ётларни жойлаштирдик. Ёзувчилар
уюшмасининг Наманган вилояти
бўйича масъул котиби, шоир Жамол-
лиддин Муслим иштирокида келгуси-
да Олимжон ота Сиддиқов номидаги
қишлоқ кутубхонаси билан мунтазам
ҳамкорлик ўрнатиш, бу ерда адиблар
билан учрашувлар ўтказиш, кутубхо-
нага уюшма аъзоларининг янги нашр
этилган китобларини етказиб туриш-
га келишиб олдик.

Бу қишлоқларда қалби дарё, саҳий
одамлар кўп. Балки Норин тумани
худоидан Норин билан Қорадарё
ёнма-ён оқиб ўтганидадир. Нафақат
мамлакатимизда, балки дунёда ҳам
камдан-кам учрайдиган икки дарё-
нинг бу қадар яқинлиги ўртада жой-
лашган Қозоқовул, Ҳақулбод, Мар-
ғизор, Учтепа сингари кўп гўзал қиш-
лоқларни яратган. Сирдарё билан
Амударё оралиғи катта Мовароуннахр
бўлса, Норин тумани кичик Моваро-
уннахрга ўхшайди. Тумандаги ҳар бир
қишлоқ, маҳалла аҳли боболардан
қолган аъналарини қадрлайди ва ёш
авлодга ҳам муносиб ибрат кўрсата-
ди. Бир сўз билан айтганда, бу за-
ми

Яқинда иш билан Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасига бордим. Бу даргоҳ аслида салкам қирқ йилдан буён менга таниш. Лекин бу гал бинонинг кираверишидан тортиб, хоналарию залларигача мутлақо янги қиёфага кирибди. Илгарилари кўриб юрганам уюшма биносининг ички ва ташқи қиёфаси тубдан янгиланиб, замонавий, шинам кўриниш касб этибди. Юз-кўзимдаги ҳайрат ва мамнунлик ифодасини иллаган Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси Рустам АБДУЛЛАЕВ шундай изоҳ берди:

— Албатта, биз қачондан буён орзу қилаётган имкониятларнинг юзага чиқиши, биринчи навбатда, Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасига юксак эътибори натижасидир. Хабарингиз бор, ўтган йил 3 август куни бошқа ижодий ташкилотлар қатори бизнинг уюшмамизга ҳам “Асака” банк ҳомийлик қилиши зиммасига олганди. Бугун гувоҳ бўлаётганимиз ўзгаришларда ана шу банк раҳбариятининг катта хизмати бор. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб шу йил апрел ойигача биномиз капитал ташмирдан чиқарилиб, фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтирилди. Ҳозир уюш-

— Шу кунгача уюшма томонидан кўплаб ижодий ва ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Навоий ва мусиқа” деб номланган кеча ўтказиди. “Эътироф” мукофоти совриндори, композитор Хуршида Ҳасанованинг Глиэр номидидаги мусиқа лицейида ижодий учрашув-концерти, Фарғона вилоят санъат коллежида вилоят композиторлари асарларидан иборат концерт бўлиб ўтди. Композитор Ҳабибулла Раҳимов Бухоро санъат коллежида учрашув ва маҳорат дарсларини ўтиб келди. Ёшлар билан ишлашга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Истеъдодли композиторлар

да белгиланган вазифаларни амалга татиқ этиш мақсадида уюшма томонидан республика ва халқаро миқёсдаги тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Булар сентябрь-октябрь ойларида ўтадиган, Мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишланган “Мустақиллик навалари” номли оркестр учун кичик жанрдаги асарлар, дамли чолгулар оркестри учун ҳарбий маршлар, фанфаралар республика танловларидир. Ушбу танловлар оркестр жамоалари репертурига янги ва сара асарлар билан бойитиш, ёш композиторларни ижодий жараёнга кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилади.

Октябрь ойида Республика болалар мусиқаси ва Ёш композиторлар фестиваллари ўтказилади. Тўрт кун давом этадиган Болалар мусиқа фестивалида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ижро этишига мўлжалланган қўшиқлардан тузилган концерт дастурлари янграйди. Бу тадбирни Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Маданият вазирликлари билан ҳамкорликда кенг доирада ўтказиш режалаштирилган. Маданият вазирлиги ва

Янги композитор ва бастакорларимиз яратган ижод намуналарини ёздириб эшиттириш имконияти чекланган. Асар ёзган одам уни ижро этадиган оркестрнинг ўзи излаб топишига тўғри келяпти. Бу, шубҳасиз, маблагга бориб тақалади. Яна бир муаммо асарларни саҳналаштириш билан боғлиқ. Айнан опера ва балет режиссёрлари, дирижёрлари, балетмейстерлар етишмайди. Масалан, махсус мусиқа мактаб ва лицейларини битирганлар, яъни созандалик маҳоратига эга бўлганлар консерваторияда тахсил олиб яхши дирижёр бўлиши мумкин. Ҳозир эса дирижёрни бундай тарбиялаш тизимида камчиликлар учраб турибди. Операни саҳналаштирадиган режиссёрларимиз санокли ва ёши улуг. Янги кадрлар эса “мактаб кўрмаган” ёки касбига юзаки ёндашадиган режиссёрлардир. Ваҳоланки, опера ва балет санъати режиссёр ва балетмейстердан чуқур билим ва кўнимка талаб қилади. Масалан, Ҳабибулла Раҳимов “Фарҳод ва Сонне” балетини ёзиб тугатган. Лекин уни саҳналаштириш учун балетмейстер топиш муаммо бўлиб турибди. Илгари бундай режиссёрлар консерваторияда ўқиб, кейин Москва ёки Санкт-Петербургда тахсил олишган. Насиб этса, бизда яқин кунларда шундай имкониятлар юзага келади.

Шунингдек, ёшларни, аввало, замонавий ва мумтоз мусиқани тинглашга ўргатишимиз керак. Чунки симфония, оратория каби йирик жанрларни тайёрлариксиз тинглаш қийин. Шунинг учун маълум мавзулар бўйича концерт-маърузалар ташкил этиш зарурати ҳам борга ўхшайди. Бу ишни бошқа ижодий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш борасида иш олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда мусиқа сайқалловчилари (аранжировкачилари)ни ҳам уюшмага қабул қилишни бошладик. Сабаби, бу соҳада ҳаваскорлар кўпайиб кетди. Ҳатто киноларга ҳам мусиқа ёзиб беришарди. Албатта, бундай мусиқалар профессионалликдан йироқ. Хўш, нима учун киночилик композиторларга мурожаат қилишмайди? Масалан, мен аввал оркестр билан ёздириб, кейин эшитиб тақдим этаман. Бу қимматга

ТАРҒИБОТ ВА РАҒБАТ ЗАРУР

Ўзбек мусиқа санъати тизимида композиторлик мактабининг янги авлодини тарбиялаб вояга етказиш масаласи ҳамisha долзарб бўлиб келган. Бу соҳа Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Толибжон Содиқов, Собир Бобоев сингари устозлар бошлаб берган қутлуғ йўлда ривожланиб ва тараққий этди. Мана шу шонли тарихни муносиб давом эттириш кимнинг зиммасига тушади, деган савол ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.



Очилини айтиш керак, Ўзбекистон давлат консерваториясини битираётган композиторларнинг ҳаммаси ҳам ижод йўлидан кетмаяпти. Аммо композиторлик санъатига фидойилик билан муносабатда бўлиб, ўз йўлини топиш ҳаракатида юрган талайгина ёшларимиз бор. Уларнинг барчаси ҳозирги кунда Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг аъзоси ҳисобланади.

Шундай ёш ижодкорларнинг ўз йўлида собитқадам бўлиб, мураккаб жараёни мукамал ўташида Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг ўрни бекиёс. Ҳозир уюшма ёшлар ижодини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг мусиқий асарларини концерт дастурларига киряпти, шу билан бирга, сотиб ҳам оляпти. Аммо бунинг ўзи етарли эмас, назаримда. Уюшма ёш ижодкорларнинг кейинги таълими устида ҳам назоратни йўлга қўйиши керак. Шу мақсадда уюшма томонидан ёш ижодкорларнинг асарлари савиясини ўстириш бўйича машғулотлар ўтказиш, жаҳоннинг кўзга кўринган ижодкорлари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиш, ижодда муайян ютуқларга эришган ёшлар учун “Ўзбекино”, “Ўзбектеатр” ташкилотлари билан келишилган ҳолда ижодий бюртмалар олишда кўмаклашиш, ёш композиторларнинг малакасини ошириш мақсадида уларни халқаро танлов, анжуман ва илмий анжуманларга жўнатиш, халқаро танловларда қатнашиб, совриндор бўлган композиторларнинг ижодий кечаларини ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш каби ишлар мунтазамлик касб этса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ж.Шукуров, Ф.Акрамов, Н.Эркаев, Н.Махаров, В.Хандамян, Р.Худойбердиев, Э.Жалилова, А.Сафаров, Ф.Назаров каби ёшлар хорижда ўтказилган халқаро композиторлар танлови совриндорлари. Бундай юқори натижаларга улар олий таълим муассасасини битиргандан кейин эришганлар. Аммо бундан композиторларнинг фақат тор доирасигина хабардор, холос. Ваҳоланки, совриндорлар нафақат чолгу мусиқаси, балки кино ҳамда театр асарлари учун ҳам муносиб мусиқий асар ёзиш қобилиятига эга. Бугунги кунда фақат Ж.Шукуров, Н.Эркаев, В.Хандамян, Р.Худойбердиевгина ким соҳасида, С.Юсупов театр соҳасида ўз кучини синаш имкониятига эга бўлди, холос.

Шубҳасиз, барча ижод турлари каби композиторлик ижодиёти ҳам бир ерда депсиниб туролмайди. Ҳозир жаҳон композиторлик ижодиётида катта қизиқиларга сабаб бўлаётган пуантилизм, минимализм, микрохроматика сингари тенденцияларга лбабый деб жавоб беришимиз, ушбу ижодий йўналишларда асарлар ёзиб жаҳонга чиқишимиз зарур. Аммо бу асарларни ўз юртимизда тинглайдиган томошабин топилаармикан? Замонавий композитор бугунги кун эҳтиёжи учун хизмат қилиши керакми ёки эртанги кун талаби учунми?

2015 ва 2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Ёш композиторларнинг Республика танлови таъсис этилди ва икки марта ўтказилди. Танлов икки йўналишда ўтди: кичик ёшдагилар ва ўттиз ёшгача бўлган ижодкорлар. Дастурда оддий эстрада қўшиғидан тортиб, симфоник мусиқагача бўлган хилма-хил асарлар тингланди. Ижро жараёнига кўплаб хонанда ва созанда, турли мусиқий жамоалар, оркестрлар жалб этилди. Қисқаси, ёш композиторларнинг ижодиға эътибор катта бўлди. Ёшлар бундан том маънода руҳланишди.

2018 йилнинг октябрь ойида эса Тошкентда Ёш композиторларнинг республика фестивалини ўтказиш режалаштирилган. Тадбир доирасида симфоник мусиқа, халқ чолгу оркестри учун мусиқа, камер-чолгу концертлари, талаба композиторларнинг концертлари бўлиб ўтади. Ҳозир фестивал доирасидаги тадбирлар дастурини тузаямиз. Уларда қатнашиб истагини билдираётган ёш ижодкорлар кўп. Ушбу анжуман орқали, аввало, ўзбек композиторлик мактабининг юксак салоҳиятини кўрсатиб, ёш ижодкорларнинг асарларини кенг тарғиб этиш ва рағбатлантириш ниятидамиз.

Асарни катта саҳнага олиб чиқиб, томошабинга ҳавола этиш уни яратиш билан боғлиқ жараёнинг узвий давомидир. Ижод жараёнини буткул ўташ ва уни англаш билан боғлиқ ҳодисагина ижодкорга ҳақиқий ижодий қониқиш ҳиссини беради. Бу жуда қимматли ҳиссиёт бўлиб, ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам уни англаш босқичига етиб боравермайди. Мана шундай қониқиш ҳиссининг таъмини татиб кўрган ижодкор эса ижоддан асло чекинмайди. Биз ёшларимизнинг шу босқичга эришгандаги ҳолатига катта аҳамият қаратишимиз зарур. Бунинг учун ёш авлодга доимий равишда ижодий ҳамда ташкилий масалаларда ёрдам керак. Зеро, ижоднинг сирини тушушган ижодкоргина ижод масъулиятини ўз бўйига олади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, композитор

ЯНГИЛАНИШ ШУКУҲИ

мамиз биносида ўнта иш хонаси, концерт зали, конференц зал, кутубхона-архив учун алоҳида хона мавжуд. Хоналарда композиторлар, бастакорлар, мусиқашунослар ва мусиқа сайқалловчиларнинг ижод қилишлари учун шароитлар яратилди. Энг муҳими, моддий-техник базамизнинг янгилангани бўлди. Ўнта компьютер, бешта принтер, битта оқ-қора ва битта рангли принтер, зал учун проектор, компьютер ва телефон алоқаларини бошқарувчи аппаратлар сотиб олинди. Ижодкорлар орзу қилган яна бир иш — Япония фирмасининг YAMAHA русумидаги учта роялнинг харид қилингани ҳам мамизни қувонтирди. Овоз ёзиш студиясининг ташкил этилгани эса композитор ва бастакорларимиз учун кенг имкониятлар яратиши, шубҳасиз. Ҳозирги кунда мазкур студияни профессионал мутахассислар жиҳозлаб, монтаж ишларини якунига етказишмоқда.

Шундан сўнг Рустам Абдуллаев билан уюшма биносини айланиб чиқдик. Хар бир хона, зал, фойе ва йўлақлар янги идора ва юшмоқ мебеллар, зарур техника воситалари билан жиҳозланган. Концерт залига кирган одамнинг баҳри дили яйрайди. Бу жойнинг яқинда нурсиз, эскирган жиҳозлари униққан қиёфада бўлганига одамнинг ишонгиси келмайди. Гўзал саҳна, замонавий кулай ўриндиқлар, ён-атрофдаги безаклар кўзингизни қувнатади.

Айниқса, бир қисми буюк композиторларимизнинг нодир қўлёзмаларини ўзида муҳасаммад архив материаллари, қолган қисми замонавий адабиётлардан ташкил топган ижам кутубхонадан одамнинг қиқиси келмайди. Бу ерга жамланган материаллар нафақат ижодкорлар, илмий ходимлар, талабалар, балки журналистлар, оддий китобхонлар учун ҳам қизиқарли маълумотларга бой. Кутубхонада фойдаланувчиларга бемалол изланиш ва ишлаш учун кулайликлар мўҳабб этилган. Бинонинг атрофи ва ҳовлиси ободонлаштирилиб, кўкаламзорга айланганлиги бу ерда ишловчиларга ҳам, келиб-кетувчиларга ҳам ҳуш кайфият бағишлайди. Хуллас, “Асака” АТБ шу кунгача уюшмага олти ярим миллиардга яқин ҳомийлик ёрдами кўрсатган.

Албатта, таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда уюшмада ижодий, ташкилий ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Бу ҳақда ҳамроҳим қуйидагиларни гапириб берди:



Нурали Эркаев,

Нодир Махаров,

Акмал Сафаров

Қозғистонда бўлиб ўтган

халқаро замонавий

мусиқа фестиваллари

ва танловларда

муваффақият билан

қатнашди. Ёш баста-

корлар танлови ҳам

кўпгина истеъдодлар-

ни аниқлаб берди. Ёш

композитор Фарҳод Назаров Термиз

давлат университети ҳамда мусиқа ва

санъат коллежида муаллифлик концер-

тини маҳорат билан намойиш этди. Та-

ниқли композитор Дилором Сайдамин-

нова ва Ўзбекистон халқ артисти, баста-

кор Султонали Манноповнинг ижодий

кечалари, композитор Совет Варелас,

мусиқашунос олима Тамага Головянц,

Ўзбекистон халқ артисти Фаттохон Ма-

мадалиевнинг хотира кечалари юқори

савияда ўтди.

Айниқса, “Дўстлар клуби” ҳамкорли-

гидаги “Сўз, оҳанг ва тасвир” туркуми

доирасида ўтказилган Ўзбекистон комп-

озиторлари асарларидан тузилган

концерт кўпчилигининг ёдиди қолди. Шу

билан бирга, республикада ўткази-

лаётган турли фестивал ва танловлар-

да уюшма аъзолари фаол қатнашмоқ-

далар. Ижодий тадбирларни ўтказиш,

халқаро фестивалларда ёшларнинг

фаол қатнашishiлари “Илҳом” жамоат

фонди томонидан молиялаштирилаёт-

ганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Уюшма раҳбарининг сўзларига қара-

ганда, йилнинг иккинчи ярмида ҳам

мусиқий ҳаёт қизгин давом этади. Карор-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан Бастакорлар уюшмаси фаолияти қайта ташкил этилди. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида уюшманинг ҳудудий бўлими ташкил этилиб, айна пайтда фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда уюшманинг бир юз эллик нафардан зиёд аъзоси бор. Уюшмада “Ёшлар билан ишлаш”, “Эстрада мусиқаси”, “Мусиқашунослик”, “Саҳна асарлари”, “Болалар мусиқаси”, “Симфоник ва камер мусиқа”, “Бастакорлик санъати”, “Ҳарбий ва танпарварлик ижодиёти”, “Мусиқа сайқалловчилар-аранжировкачилар” каби тўққизта ижодий шўба фаолият юритаётди.

Ўшлар

иттифоқи билан

ҳамкорликда

беш кун мобайнида

ўтказиладиган

республика Ёш композиторлар фес-

тивалида ёш ижодкорларнинг симфо-

ник ва халқ чолгулари оркестрлари

учун ёзган асарлари, камер мусиқа-

си Ёшлар ижод саройи ва консерва-

тория залларида янграйди. Ўтказилад-

иган тадбирлар орасида навбатда-

ги V Халқаро симфоник мусиқа фес-

тивали алоҳида ажралиб туради. Но-

ябрь ойида ўтказиладиган мазкур

тадбирда Осмё композиторлар Лига-

си раиси, АҚШ, Франция, Германия,

Австралия, Вьетнам, Озарбайжон, То-

жикистон, Қирғизистон ва бошқа дав-

латлардан нуфузли ижодкорлар қат-

нашадиладир. Биз фақат йирик тадбир-

ларга тўхтадик. Ваҳоланки, йил да-

вомида юртимиз мусиқий ҳаёти воқе-

аларга бой бўлиши қутилмоқда.

Албатта, ҳар қандай ижодий жара-

ён ўз-ўзинча силлиқ кечмайди. Шу маъ-

нода бугун уюшма олдида талайгина

муаммолар ва вазифалар турибди. Бу

ҳақда суҳбатдошим шундай дейди:

— Бизни ўйлантираётган асосий ма-

салалардан бири оркестр муаммоси.

лови ёрқин мисолдир. Шу йил Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган болалар ансамбллари танлови ҳам фарзандларимизнинг эстрада чолгу, эстрада вокал, хор каби турли йўналишларда сезиларли ютуқларни қўлга киритишгаётганини кўрсатди. Хар йили “Ягонасан, муқаддас Ватан” танлови-

Гулчеҳра УМАРОВА

да ҳам болажонларимиз катталар билан тенг беллашадилар.

Лекин олдимизда турган вазифалар, мавжуд муаммолардан ҳам кўз юмолмаймиз. Кўпгина “Болалар қўшиқлари кам” деган гап қулоғимизга чалиниб қолади. Бу нотўғри фикр. Бугун болалар қўшиқлари кўплаб ёзилляпти. Зеро, бу йўналишда ижод қилаётган композиторлар ҳам кам эмас. Ўзим ҳам жуда кўп қўшиқ ёздим. Учта услубий қўлланма яратдим. Биринчи китобим 2012 йили нашрдан чиқиб, мусиқа мактабларига тарқатилди. Лекин кейинги иккита китобим ҳамон нашрини кутиб ётибди. Қўшиқлар масаласида ҳам шундай. Уларни тезроқ нашр этиб, мактабларга, боғчаларга тарқатиш керак. Ноталар масаласида ҳам шу ахвол. Шу сабабли болалар қўшиқларини аудио дискда ҳам чиқариш, тарғиботини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Эътибор қилсангиз, Ўзбекистон телевиде-

БОЛАЛАР БАРАЛЛА КУЙЛАСИН

Сўнгги йилларда юртимизда болалар қўшиқчилигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Композитор ва бастакорлар “Томоша”, “Булбулча”, “Севиңча”, “Тантана”, “Марварид”, “Ором” каби элга танилган болалар эстрада-вокал гуруҳлари учун мунтазам равишда турли мавзуларда қўшиқ ёзиб беришмоқда.

Айниқса, янги услуб — мюзикл жанрида ёзилган “Соатлар мамлакатини қироли”, “Тошқалла”, “Асалхон”, “Таомлар мамлакатини” каби қўшиқларни болалар севиб ижро этишмоқда. “Томоша” гуруҳи ақинда халқаро болалар қўшиқлари фестивалида қатнашиш учун Хитой мамлакатига жўнаб кетди. “Марварид” гуруҳи эса апрель ойида Туркияда ўтган халқаро болалар ашула фестивалида муваффақиятли қатнашиб қайтди. “Севиңча” гуруҳи ҳозир жамоанинг 20 йиллигини муносиб нишонлаш йўлида изланиш олиб бормоқда. Вилоятларда ҳам болалар қўшиқчилиги анча яхшиланди. Масалан, Ангрен, Олмалик, Фарғона вилояти ва Самарқандда ташкил этилган иқтидорли болалар гуруҳлари Ўзбекистон телевидениесининг

“Болажон” каналида ўз

истеъдодларини муно-

сиб намойиш этишди.

Республикамизнинг

туман ва вилоятларида-

ги Мусиқа ва санъат

мактабларида болалар

қўшиқчилигини ривож-

лантириш учун моддий-

техник база етарли.

Кўрик-танловларда қат-

нашаётган болаларнинг

чиқишлари шундан да-

лолат бериб турибди.

Бунга ўтган йили Халқ

таълими вазирлиги то-

монидан ўтказилган

шоир Эркин Воҳидов

шеърларига басталан-

ган қўшиқлар кўрик-тан-



лови ёрқин мисолдир. Шу йил Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган болалар ансамбллари танлови ҳам фарзандларимизнинг эстрада чолгу, эстрада вокал, хор каби турли йўналишларда сезиларли ютуқларни қўлга киритишгаётганини кўрсатди. Хар йили “Ягонасан, муқаддас Ватан” танлови-

ИЖОДНИНГ НУРЛИ ИЗЛАРИ

Янги нашрлар

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

Самарқанд азалдан дунёга маърифат тарқатиб келаётган кутлуг маскан сифатида машҳур. Бу қадим воҳа адабий муҳитида қўлаб аллома адиблар, шоирлар, ёзувчи ва журналистлар таълим, тарбия топиб, элга, юртга зиё тарқатишган.

"Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари бирлашган тахририяти томонидан чоп этилган "Самарқанд ижодкорлари" китобига ("Машҳур-пресс" нашриёти, 2018) Самарқандда туғилиб ўсган, асарлари билан адабиётимиз ва матбуотимиз тарихида нури из қолдирган, бугун ўткир қалами билан ижтимоий-маънавий жараёнларда фаол иштирок этаётган ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига доир мухтасар маълумотлар жамланган. Мазкур нашр кейинги икки асрда вилоят ҳудудида яшаб ижод қилган ва қилаётган қалам соҳиблари ҳақидаги библиографик тўпلام.

Китобдан самарқандлик адиблар ва адабиётшунос олимлар, вилоятдаги оммавий ахборот воситалари заҳматкашлари, вилоят матбуоти ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар ва уларнинг яқин ҳамкорлари ҳақида маълумотлар оласиз.

Нашр масъул муҳаррири Фармон Тошев.



"Қорақўлдан ўтган умр қарвонлари" китобида умр йўли қадим Бухоронинг Қорақўл воҳаси билан боғлиқ тўрт нафар шоир Шайх Маҳмуд Ғойибий (1734-1810), Абдушукур Шукруй (XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярми), Шайх Сулаймон ал-Бухорий (1821-1880) ва Мухаммад Очилдимурод Мирзийнинг (1830-1899) ижодий-илмий фаолияти ҳақида қисқа маълумотлар ва, асосан, уларнинг адабий меросидан намуналар берилган.

Ушбу нашрлар мумтоз адабиётимизнинг ҳали ўқувчилар оммасига кенг миқёсда маълум бўлмаган вақиллари ҳаёти, ижодий меросини тарғиб этиши билан бирга, олимларимиз, тадқиқотчилар эътиборини тортиси ҳам тайин. Уларнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ қилиш орқали адабиётимиз тарихидаги бу шоирларнинг ўрни ҳам белгиланиши шубҳасиз. Зеро, ижоднинг нури излари ҳеч қачон унутилмайди.

Шайх Маҳмуд Ғойибий XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод қилган бухоролик таниқли шоир. "Кўнгулни вайрон айламанг" номли китобда ("Lesson press", 2018) унинг назмий асарлари жорий алифбода биринчи марта яхлит ҳолда чоп этилган.

"Қўлимиздаги мавжуд манбаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Шайх Ғойибий ижодида мансуб бир ғазал матнида келган "Қазба йикмакдир кўнгулни кимки вайрон айласа" деган ғоя унинг бутун ижодиётининг асосий ўзагини ташкил қилади", деб ёзади китоб сўзбошичи муаллифлари С.Ғойибуллаев ва Р.Абдуллаев.

Тўпладан Шайх Маҳмуд Ғойибийнинг ғазаллари, муҳаммаслари ва бошқа мумтоз жанрлардаги назмий асарлари жой олган.



Бир ой давомида ер юзидаги миллиардлаб инсонларга ҳаловатсиз, аммо завқли дамларни мўл-кўл ҳада этган футбол бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Франция терма жамоаси иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. Мамлакат футболчилари биринчи кубогини 1998 йилда қўлга киритган эди.

"Миллиардлаб мухлислар" эмас, ёппасига "инсонлар" дейишмизнинг боиси бор. Футбол бўйича жаҳон чемпионати – сайёра миқёсидаги ўзига хос улкан машваратки, у фақат мухлисларни эмас, балки инсон фаолиятининг сиёсат, иқтисод, маънавият... каби деярли барча қирраларини қамраб олади. Футбол, умуман спорт учун диний, миллий, ирқий, жинс ва ҳоказо чегаралар мавжуд эмас, у Одам Атонинг барча фарзандлари учун башарий қадрият эканлиги яна бир бор намён бўлди.

Юртимизда ҳам футбол ҳаяжонлари мезбон майдонлардагидан асло кам бўлмади. Шу кунларда "Ҳеч бир восита мамлакатни дунёга спорт каби тез танита олмайдми", деган ҳикматли ибора тақриркор эрга олинган бўлса ажаб эмас. Ижтимоий тармоқларда баҳс-мулоҳазалар қизигандан-қизиди. Таниқли шоирамиз Зулфия Мўминова финалдан бир неча кун аввал: "ЖЧ. Ишонганим Хорватия..." дея умид билдирган эди. Финалдан сўнг эса ўз саҳифасига: "Кумуш... Бу меҳнаткаш ва маданиятли жамоага ҳурматини пасайтира олмайдми..." деб ёзди.

Дунё ахли наздида шиддатли финал беллашуви бир ён, ушбу ўйинда ҳозир бўлиб, юртдошларини қўллаб-қувватлаган Хорватия Президенти Колинда Грабар Китарович хоним бир ён бўлди! Хабарларга қараганда, Колинда хоним жаҳон чемпионати муносабати билан маошсиз таътилга чиққан. Ўз ҳисобидан самолётга чипта сотиб олиб, оддий самолётда бир неча марта Россияга учиб келиб, Хорватия терма жамоасига мухлислик қилди.

Ижтимоий тармоқлардаги қизгин мунозаралар руҳи юртимизда кечаётган авжи ёз чилласи ҳароратидан асло кам бўлмади. Улар-

да бетакрор "футбол спектакллари"дан завқланиш, шунингдек, кўп йиллик дарду аламлар, орзу-умидларимиз ҳам очик-ойдин акс этди. Мана, шундай мулоҳазалардан айрилмлари:

"Офарин Президент хоним, бутун дунё аёллари тугул эркакларига ҳам улкан инсонийлик ва ватанпарварлик намунаси

ЧИЛЛА ТАҒТИ

кўрсатдингиз. Сизнинг миттигина давлатингиз мен учун чемпион! Нафақат футболда, юксак инсонийлик, матонат ва қатъият борасида ҳам чемпион!"

"Хорватия аҳолиси атиги тўрт миллионни ташкил этади. Исландлар улардан ҳам ўн маротаба кам, ҳалқи ярим миллион ҳам чиқмас экан..."

"Французлар кубокни, хорватлар эса қалбларни қўлга киритишди..."

"Питбол кўрмайман, лекин болаларга қизиқиб, кубок топшириш маросимини кўрдим. Шу Президент аввало аёл, асл фи-

дойи инсон экан. Кўз ёшларини ютиб, барчага табассум улашди. Унга раҳмат..."

"Опанинг Президент эмас, энг аввало АЕЛ эканлигини финалда бутун дунё кўрди. Ўз фарзандларини оналарча юпатиши, ўзи йиллаб турсанга уларга таскин бериб, раҳмат айтишини кўриб, кўзимга ёш келди..."

"Аслида финалга етиб боришининг ўзи – чемпионлик. Ишқилиб бизнинг футболчилар ҳам уйинни кўрган бўлишсин-да?!"

Мен нима учундир, бизнинг футболчилар ўйин кўришмаса керак, деб ўйлайман. Агар кўришган бўлса, уларда ҳам умид уйғонарди, ишонч пайдо бўларди..."

"Бизникилар ҳам кўй ёғи ва кўй гўшти-да ош қилиб, финални кўрган, доғла..."

"34 минг нафар томошабинга мўлжалланган "Бунёдор" стадиони ёнидан ўтар эканман, кеча футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финалига етиб борган Хорватия терма жамоаси мураббийи Златко Даличининг берган интервьюси, хусусан, унинг: "Тўғрисида айтганда, юртимизда тузукроқ футболнинг ўзи йўқ, футбол ўйнагани" – дегани эсимга тушди.

Давлатнинг қудратли бўлиши, ҳашаматли стадионлар қуришига қодирлигининг ўзи камлик қилар, миллий жамоамиз дурустроқ натижага эришиши учун яна кўп нарсалар, шу жумладан, виждон ҳам керак экан", – хулоса қилдим ўзимча..."

Ta'lim-tarbiya maskanlaridan vijdonli kadrlardan ko'ra, "jig'il donillar" ko'proq yetishib chiqmoqda..."

"Футбол шароит талаб қилмайдиган спорт тури ҳисобланади. Лекин бизда шароит йўқлигини баҳона қилувчилар кўп. Ниманидир баҳона қилиш керак-ку. Кот Д'ивуар, Сенегал, Нигерия ва шу каби мамлакатларда футбол ривожланган-ку. Сабаби – уларда ҳалқ футбол билан нафас олади.

Биз – чойхона билан нафас оламиз..."

"Фақат спортдамас, ҳамма соҳага тегишли гап, бу. Ҳашаматли ли-

цей бинолари, замонавий типдаги мактаблар, ОТМ иморатлари, қўйинки, одамнинг ўзи ҳам – чиройли суратга яраша тайинли мазмун керак экан..."

"Исми сир қолиш шарти билан шахси номмаълум кишиларнинг маҳалла хотинларига (қайси маҳалла эканлиги суришти-

ЖЧ — 2018. Таассурот

рилмоқда. Тахририят.) таяниб айтишича, Умид Аҳмаджонов бугун Москвага бораркан. Финалда ғолиб бўлган терма жамоа бош мураббийини Ўзбекистон термасини бошқаришга кўндиришга ваъда берибди. Ҳазил – ҳазил-у, бироқ қарийб бир йилдан бери биттагина мураббий тоғилмаётгани чатоқ бўляпти..."

"Menga qolsa, Zlatko Dalichni olib kelardim!"

"Қурбон Бердиев... Туркман оғамиз номзодини ҳалиям ушлаб турибман лекин..."

"Туркман оғамизга пулимиз етса керак. Сколарига етган-ку?"

Хуллас, жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Гарчи футболчиларимиз унда иштирок этмаган бўлса-да, тугён-у ўй-хаёлларимиз мезбонларникидан кам эмас. Чемпионат ўтган шаҳар ва стадионларда дўппи қийиб, давлатимиз байроғини силкитаётган, ҳатто Андижон полкасига рақс тушаётган ҳамюртларимиз "ойнаи жаҳон"да тез-тез кўринишди. Бу ҳам бежиз эмас. Бизким ўзбеклар, эзгу орзу-ниятларимиз бир олам, некбин ҳалқимиз. Кейинги чемпионатлардан бирига мезбонлик қилишдек орзу-ниятларимиз ҳам тобора бўй кўрсатипти.

Асосийси – бундай катта ният учун бизда журъат бор, зарур шарт-шароитни ҳозирлаш ўз имкониятида! Бир кун келиб, дунёнинг нариги бурчида яшовчи мухлислар интернетдаги ўз саҳифасига: "ЖЧ. Ишонганим – Ўзбекистон..." дея ёзишса, не ажаб!

Орзуга айб йўқ, Бугун юртимизда кечаётган кенг қамровли ислохотлар, туризмни ривожлантириш бўйича олиб бораётган савб-ҳаракатларимиз шундай орзу-ниятлар қилишимиз, улкан ва жиддий режалар тузишимиз учун асос-замин бўлади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ" 2018 йил, 5-сон




Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад "Ёлғиз" деб номланган қиссасини атоқли адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишлаган. "Абдулла Қодирий ҳаётидан йирикроқ асар ёзиш ниятим бор эди кўп йиллардан буён, — деб ёзади муаллиф. — Ниҳоят, ушбу қисса қозоғга тушди." Асарни журналнинг ушбу сонидан ўқиб бошлайсиз.

Сайдвафо Бобоевнинг "Халоскор хабар" ҳикояси ҳамда Элбек Шоймининг митти ҳикоялари ҳам шу сонда босилган.

Назм саҳифалари таниқли шоир Саъдулла Ҳакимнинг "Ҳаёт мактубини битар шивирлаб" деб номланган янги туркуми билан очилди. Жаҳонгир Исмоилов, Минҳожиддин Мирзо, Даврон Ражаб, Сафар Оллоёвнинг шеърлари, атоқли рус шоири Евгений Евтушенко ижодидан намуналар (таржимон Абдумажид Азим) бугунги кун шеърини ва таржима борасидаги тасаввурингизни бойитди. Ёзувчи Асад Дилмурод билан мунаққид Д.Тўраева суҳбатини миллий адабиётимизда кам қузутилган янгича тасвир усуллари, мажозий тил, рамзий образ каби бадииятнинг долзарб мавзуларига бағишланган. Ҳалим Саидов "Янги адабиётимизда хайрли ёдгорлик" номли тадқиқотда жаҳид ҳижолийининг илк намунаси, Маҳмудхўжа Бөхбудийнинг "Оқ еллингчи чинли хотун" ҳикояси таҳлил этилган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида адабиётшунос-лиқнинг муҳим масалалари ёритилган мақолалар, ёднома ва ҳажвияларни ўқийсиз.

"ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ" 2018 йил, 2-сон



Тилшуносликка доир Д.Худойбергеновнинг тадқиқотида ҳозирги давр лингвистика соҳасида илгари сурилаётган янги назарий қарашлар таҳлил этилган, Ш.Кучинов ва О.Юйбаровнинг тадқиқоти қонун ижодкорлигига услуб масалаларига бағишланган.

Адабиётшунослик йўналишида эълон қилинган мақолаларда ҳам муҳим мавзулар қаламга олинган. Жумладан, Д.Қуროвнинг мақоласида лирик асар композицияси мавзуси тадқиқ этилган. И.Ҳаққулнинг мақоласида Ҳамза ижоди шахсияти билан боғлаб талқин қилинса, Й.Солижонов тадқиқотида ҳозирги ўзбек лирикасининг тарққиёт йўли, шакл ва мазмунлиги ўзгаришлар қузутилди.

Фольклоршунослик йўналишидаги Т.Мирзевнинг "Гўрўёли" туркуми достонларининг дастлабки нашри ҳақида", М.Жўраевнинг "Қўлпон юлдузи билан боғлиқ астраф мифлар" сарлавҳали мақолалари, "Илмий ахборот" рўқнида берилган мумтоз адабиёт, тил, таржима масалалари таҳлил ва талқини бағишланган кичик тадқиқотлар ҳам журналнинг ушбу сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА "ИЖОД" ЖАМОАТ ФОНДИ ҚОЗОҚ ЁЗМА АДАБИЁТИНИНГ АСОСЧИСИ, УЛУҒ МУТАФАККИР АБАЙ ҚУНАБОВЕВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН "ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ" МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИНИ ҲАМДА "АБАЙ" ШЕЪРИЙ ТЎПЛАМИ ("САЙЛАНМА")НИ НАШР ЭТИШ БЎЙИЧА НАШРИЁТЛАР ЎРТАСИДА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КИТОБЛАРНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

1. "Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари"

Китобнинг бичими 84×108 1\32 рангли қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора ранг ва офсет қоғозда, ҳажми - 208 бет. Адади 1000 дона.

2. "Абай" (сайланма)

Китобнинг бичими: 84×108 1\32 рангли қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора ранг ва офсет қоғозда, ҳажми - 304 бет. Адади 2000 дона.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛАДҒИ ҲУҶЖАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ

1. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).
Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, А.Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудидаги "Адиблар хибони". Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Телефонлар: 231-69-88; 231-69-87 (факс).

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА "ИЖОД" ЖАМОАТ ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МАҲМУД ТОИРНИНГ "ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН" НОМЛИ БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК АСАРИНИ "АДИБ ВА ЖАМИЯТ" РЎКНИДА НАШР ЭТИШ БЎЙИЧА НАШРИЁТЛАР ЎРТАСИДА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

Китобнинг бичими 84×108 1\32 рангли қаттиқ муқовада, форзац рангли, матн оқ-қора ранг ва офсет қоғозда. Китоб ҳажми - 240 бет + 16 бет вклейка. Адади 2000 дона.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛАДҒИ ҲУҶЖАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ ШАРТ

1. Босмаҳона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.
2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
3. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).
Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, А.Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудидаги "Адиблар хибони". Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Телефонлар: 231-69-88; 231-69-87 (факс).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси шифокори Алишер Саидмуродовга отаси

ХУДОЙБЕРГАН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Баҳодир Каримга отаси

НУРМАТ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

Халикова Махфуза Абдушариповнага тегишли бўлган Тошкент шаҳар Юнусовод тумани 8-маву 2-ўй 47-хонадоннинг кадастр ҳужжатлар тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.и.кор.лари.и.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 19.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 6028. Буюртма Г — 782. Ҳажми — 3 босма табак А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНАЛРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X
9 772181 614000